

**ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.ФМ/Т.33.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ**

**МУССАЕВА МАЛИКА АНВАРОВНА**

**LiF КРИСТАЛЛАРИДА ВА SiO<sub>2</sub> АСОСИДАГИ ШИШАЛАРДА  
РАДИАЦИОН–ИНДУЦИРЛАНГАН НАНОСТРУКТУРАЛАР**

**01.04.07-Конденсирланган ҳолат физикаси**

**Физика-математика фанлари доктори (DSc) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Физика-математика фанлари доктори (DSc) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации  
доктора физико-математических наук(DSc)**

**Content of the dissertation abstract of the doctor of science (DSc)  
on physical and mathematical sciences**

<b>Муссаева Малика Анваровна</b> LiF кристалларида ва SiO <sub>2</sub> асосидаги шишаларда радиацион- индуцирланган наноструктуралар.....	3
<b>Муссаева Малика Анваровна</b> Радиационно-индуцированные наноструктуры в кристаллах LiF и стеклах на основе SiO <sub>2</sub> .....	33
<b>Mussaeva Malika Anvarovna</b> Radiation-induced nanostructures in LiF crystals and in SiO <sub>2</sub> based glasses.....	61
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works .....	67

**ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.ФМ/Т.33.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ**

**МУССАЕВА МАЛИКА АНВАРОВНА**

**LiF КРИСТАЛЛАРИДА ВА SiO<sub>2</sub> АСОСИДАГИ ШИШАЛАРДА  
РАДИАЦИОН–ИНДУЦИРЛАНГАН НАНОСТРУКТУРАЛАР**

**01.04.07-Конденсирланган ҳолат физикаси**

**Физика-математика фанлари доктори (DSc) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.2.DSc/FM180 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро физикаси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.inp.uz](http://www.inp.uz)) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Ибрагимова Эльвира Меметовна**  
физика-математика фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Мамадалимов Абдугафур Тешабоевич**  
физика-математика фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси  
академиги

**Нуритдинов Иззатилло**  
физика-математика фанлари доктори, профессор

**Ташмухамедова Дилноза Артикбаевна**  
физика-математика фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Фарғона политехника институти**

Диссертация ҳимояси Ядро физикаси институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.FM/T.33.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100214, Тошкент ш., Улуғбек қўрғони, ЯФИ; тел. (+99871) 289-31-41; факс (+99871) 289-36-65; e-mail: [info@inp.uz](mailto:info@inp.uz)).

Диссертация билан Ядро физикаси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100214, Тошкент ш., Улуғбек шаҳарчаси, Ядро физикаси институти. Тел. (+99871) 289-31-19).

Диссертация автореферати 2022 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2022 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**М.Ю. Ташметов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., профессор

**О.Р.Тожибоев**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф. PhD

**С.В. Артёмов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси ўринбосари, ф.-м.ф.д., профессор

## **КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Ҳозирги кунда дунёда самарали катализ, интенсив люминесценция, юқори электр ўтказувчанлиги ва гигант парамагнетизм каби ноёб функционал хусусиятларга эга наноструктуралар материаллар тадқиқига катта эътибор берилмоқда. Улар учта ходисага: нанозаррада атомлар сони  $10^3$ – $10^6$  оралиғида бўлганда сиртнинг ҳажмга нисбати юқори қийматга эга бўлиши, ички ва ташқи квант-ўлчамли эффектлар, ҳамда диэлектрик муҳитда металл нанозарралар ичидаги (сирт плазмон резонанси) ва улар орасидаги кучли электродинamik ўзаро таъсирларга асосланади.

Жаҳонда диэлектрик матрицалардаги турли хил шаклга эга бўлган электр ўтказувчан нанозарраларнинг пайдо бўлиши ва ўзаро таъсир механизмларини, шунингдек, нанометалл-диэлектрик интерфейсларидаги жараёнлар механизмини аниқлаш нанофизиканинг долзарб муаммосидир. Турғун функционал наноструктураларни яратиш нанотехнологиялар соҳаси ривожига муҳим аҳамиятга эга.

Республикада ядровий ва қайта тикланадиган энергетика ривожлантирилмоқда ва унинг ривожини учун янги наноструктуралар материалларини яратиш технологиялари ишлаб чиқилмоқда. Шунинг учун диэлектрик кристалларда ва шишаларда енгил ва оғир металллар нанозарраларини ўрганиш ҳамда радиацион майдонларда ишлашга мўлжалланган, фазавий таркиби ва хусусиятлари радиацион технологиялар асосида назорат қилинадиган нанокомпозитлар ишлаб чиқиш долзарблик касб этади. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида<sup>1</sup> бу каби фундаментал тадқиқотлар ва ишланмаларга устувор аҳамият қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 1 мартдаги ПФ-4512-сон “Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси” тўғрисида фармонлари, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон “Фанлар Академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш бўйича чоратадбирлар тўғрисида”ги қарорлари ҳамда ушбу соҳадаги бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот Республика фан ва

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги 2017 йил 7 февралдаги № ПФ-4947-сон Фармони.

технологиялари ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурс тежамкорлиги» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>2</sup>.** LiF сингари ишқорий-галоид кристаллари асосида кўп мақсадларда фойдаланиш учун мўлжалланган янги оптикавий материаллар яратиш бўйича тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказларида ва олий таълим муассасаларида, шу жумладан: Физика институти ва Тарту университети (Эстония), Давлат оптика институти, Томск политехника университети (Россия), Евроосиё миллий университети (Қозоғистон), Криворожск миллий университети ва Монокристаллар институти (Украина), Политехника университети (Франция), Oak Ridge миллий лабораторияси (АҚШ), "Ла Сапиенца" университети (Италия) ва бошқа муассасаларида олиб борилади.

Радиация таъсирига чидамли шишалар, турли таркибдаги шишаларнинг радиациявий бўялиши бўйича ишланмалар Оптикавий материалшунослик илмий тадқиқот ва технологик институти ва Давлат оптика институти, А.Ф. Иоффе номидаги Физика-техника институти, Силикатлар кимёси институти, Москва давлат университети, РФА Физика институти, Урал давлат техника университети (Россия), Қаттиқ жисмлар физикаси институти (Латвия), Беларусия МА физика институти (Минск), Сизуока университети (Япония), Бхаби Атом тадқиқотлари маркази (Ҳиндистон), Oak Ridge миллий лабораторияси (АҚШ), Фраскати тадқиқот маркази (Италия), ядровий институтлар (Германия), Қаттиқ жисмлар физикаси институти (Хитой) ва бошқа муассасаларда олиб борилади.

Қаттиқ, газсимон ва суюқ муҳитлардаги коллоид ва наноўлчамли системаларнинг физикавий хусусиятлари тизимли тарзда ўрганилган, улар структуравий элементларининг геометрик шакли ва ўлчамларига кўра таснифланади. Модель ишқорий-галоид кристаллар ва силикат шишалар мисолида энергетик спектрларида фарқ бўлганлиги туфайли нанозарраларнинг структуравий, оптикавий ва электрик хусусиятлари ҳажмий бирикмалардагидан фарқ қилиши кўрсатилган.

Бугунги кунда дунёнинг кўпгина мамлакатларида ядро-физикавий ва энергетик қурилмаларнинг фаолият кўрсатишларини таъминлаш учун ядровий энергетиканинг устувор йўналишларидан бири – радиацион материалшунослик бўйича, жумладан, наноматериаллар асосида ионлаштирувчи нурлар майдонида ишончли ишлайдиган асбоб ускуналар, радиация таъсирига чидамли ва радиацияга сезгир материаллар, қаттиқ жисм материалларни модификация қилишнинг радиациявий технологияларини ишлаб чиқиш бўйича кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** LiF ишқорий-галоид ионли кристалларининг структурасини ва кварц ҳамда силикат шишаларининг

---

<sup>2</sup>Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий ишлар шарҳи: <http://journals.ioffe.ru>; <https://elibrary.ru>; <https://www.springer.com>; <https://www.journals.elsevier.com>; <https://journals.jps.jp>; <https://ur.booksc.eu>; <https://www.rsc.org>; <https://iopscience.iop.org>; <https://www.sciencedirect.com>; <https://www.tandfonline.com>; <https://www.semanticscholar.org> ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

оптикавий хусусиятларини ўрганиш бўйича дунёнинг етакчи илмий марказларидаги кўплаб олимлар, масалан, россиялик (И.П. Суздалев, В.В. Климов, А.И. Гусев, А.А. Воробьев, Е.В. Колонцова, Е.Ф. Мартынович, Е.А. Раджабов, В.М. Лисицын, Л.А. Лисицына, В.М. Рейтеров, Б.Д. Лобанов, А.Ф. Зацепин, Р.А. Андриевский, В.В. Варгин, Г.В. Бюргановская, Н.Ф. Орлов, В.С. Кортон, Г.О. Карапетян, А.В. Амосов, Г.Т. Петровский, С.М. Бреховских, В.П. Пух, В.А. Тюльнина, Л.М. Ланда), латвиялик (К.К. Шварц, Е.А. Котомин, А.И. Попов, Ю.А. Экманис, А. Силинь), эстониялик (Ч.Б. Лущик, А.Ч. Лущик), украиналик (И.С. Радченко, Г.Г. Бондаренко), грузиялик (Э.Л. Андроникашвили, М.Г. Абрамишвили), белорусиялик (Ф.Ф. Комаров, О.Н. Билан, Н.Г. Черенда, Д.М. Юдин), германиялик (G. Mie, U. Kreibig, H. Gleiter, C. Trautmann), америкалик (F.W. Clinard, J.R. Hobbs, H. Gao, M.V. Fleischer, P. Wiks, D.L. Griscom, K. Strauda, D. Mackey), япониялик (K. Kubo, Y. Akashi, Y. Yoneda, N. Itoh, R. Yokota, A. Beshey, N. Sogi, M. Tashiro, S. Saki), франциялик (F. Beuneu), буюк британиялик (T. Young, M. Stoneham), италиялик (G. Baldacchini, R.M. Montekali), козоғистонлик (А.Т. Акилбеков, А.К. Даулетбекова), ўзбекистонлик (акад. Стародубцев, акад. Ш.А. Вахидов, акад. П.К. Хабибуллаев, акад. М.С. Юнусов, акад. У.Х. Расулев, акад. М.Х. Ашуров, акад. А.Т. Мамадалимов, Б. Каипов, Э.М. Гасанов, Э.М. Ибрагимова, Б.Л. Оксенгендлер, С. Джуманов, И. Нуритдинов, Ж.Д. Ибрагимов, И.Х. Абдукадырова, М.И. Муминов, С.С. Касимова, М.А. Касымджанов, Б.Е. Умирзаков, Н.Н. Тураева, Д.А. Ташмухамедова, Г. Абдурахманов, Б.Г. Атабаев) ва бошқа мутахассислар томонидан тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ҳозирги вақтда LiF кристаллари ультрабинафша соҳадаги оптикавий материал сифатида ҳам тажрибаларда, ҳам назарий жиҳатдан етарлича батафсил тадқиқ қилинган. Ионлаштирувчи нурлар таъсирида LiF да хона ҳароратида юқори даражада люминесценция чиқишга эга бўлган турли хил турғун бўялиш марказлари топилган, Li нинг радиодозиметрик материал сифатида, лазер асбобшунослигида фаол муҳит ва пасив затвор сифатида қўллаш, юқори чизиқли бўлмаган фотосезгир муҳит ва у асосида ахборот ташувчи, диффракцион панжара, фаол нуртолалар ва бошқа оптикавий элементлар яратиш имкониятлари мавжудлиги аниқланган. Экситонларнинг нуқтавий ва агрегат нуқсонларга парчаланиши концепцияси ҳукмронлик қилади. Нурлантиришдан кейин тажрибада олинадиган оптикавий спектрлар электрон ўтишларга боғланади, металл коллоидлар томонидан сочилиш эса фақат назарий жиҳатдан ифодаланади холос. Массив шишаларда нуқсонлар ҳосил бўлиши ва турғунлашуви, шунингдек (квазибирўлчамли) нуртолалардаги ютилиш ушбу концепцияга кўра аниқланади. Шиша матрицаси таркибида баъзи шароитларда ўтаўтказувчанлик хусусиятларига эга бўладиган қурғошинли микро- ва нанотолалар ўта юқори амалий аҳамиятга эга.

Айни пайтда ўз ечимини топмаган айрим муаммолар ҳам мавжуд, буларга қуйидагиларни киритиш мумкин. Ишқорий-галоидли кристалларда ва диэлектрик шишалардаги металл коллоидлари ва нанозаррачаларини тавсифловчи назария нурлантиришда пайдо бўладиган бўялиш марказларини

ўз ичига олувчи тажрибаларда ўзининг адекват тасдиғини топганича йўқ. Ҳалигача нурлантирилган ёки аддитив бўялган ишқорий-галоид кристалларнинг оптикавий спектрларида анион вакансияларининг зарядланган агрегатлари ва металл калоидлари қатъий аниқланган эмас. Диэлектрик кристалл ёки шиша матрицаларида нанометалл интерфейсларнинг хоссалари етарлича ўрганилган эмас: нанозаррачаларнинг кристалл структураси ва морфологияси (ўлчамлари ва шакли) ҳамда нурлантирилган нанокөмпозитларнинг электрон структураси (оптикавий спектрлари ва электр ўтказувчанлиги) нинг ўзаро алоқадорлиги, турли ионлантирувчи нурлар параметрларининг кристалл ва шиша матрицаларида ҳосил бўлиши мумкин бўлган нанофазага киритмаларга таъсири комплекс равишда ўрганилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро физикаси институти илмий-тадқиқотлар режасининг Ф-2.1.2 "Термо-нурланиш таъсирида кўп компонентли стехиометрик бўлмаган материалларнинг тузилиши, электрофизик, магнит ва механик хусусиятлари" (2003–2007); 4-04 "Реакторнинг гамма нурланишидан кейин LiF, ZnSe кристалларининг тузилиши ва оптик хусусиятларининг ўзгариши" (2004–2005); 2-06 "Наноструктураларнинг радиациявий шаклланиши" (2006–2007); А5-049 "Қимматбаҳо ва ярим қимматбаҳо тошлар ранги ва сифатини ошириш мақсадида уларни нурланиш билан ишлов бериш усуллари ишлаб чиқиш" (2006–2008); ФА-Ф2-Ф068 "Наноструктурали материалларнинг радиацион муҳандислиги" (2008–2011); ФА-Ф2-Ф120 "Кичик ўлчамли юқори ҳароратли суперўтказувчилар, яримўтказгичли гетероструктуралар, металллар ва улар оксидларининг электрон хоссалари ва нурланиш модификацияси" (2012–2016); ОТ-Ф2-26 "Электронлар дастасида функционал нанотизимларнинг шаклланиш механизмлари" (2017–2020) мавзусидаги илмий лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ядровий нурлар ва зарядланган заррачалар дастаси таъсирида ковалент ва ионли кимёвий боғланган модель диэлектрик кристалл ва шиша матрицаларда нанозаррачалар ва наноструктуралар ҳосил бўлиш механизмларини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ишқорий галоид кристаллари ва шиша матрицаларида ҳаво муҳитида  $^{60}\text{Co}$  гамма-квантлари ҳамда ВВР-СМ реакторининг нейтрон ва гамма нурларининг аралаш оқими билан, шунингдек вакуумда тезлаштирилган протонлар ва ҳавода электронлар дастаси билан узоқ муддатли нурлантириш натижасида нанозарраларни самарали яратиш шароитларини (зарралар турини, энергиясини, оқимини, флюенсини) аниқлаш;

LiF кристалларидаги Li нанозаррачаларининг, SiO<sub>2</sub> матрицасидаги оғир металлларнинг (Ba, Pb) киритма фазаси нанозарраларининг ва улар оксидларининг кристалл тузилишини, ўлчамларини, шакллари ва ориентацияларини аниқлаш;

кристал ва шишаларнинг нурлантирилган юзалари элементар таркибининг локал микро- ва нано-нестехиометриясини белгилаш;

LiF кристаллари ва SiO<sub>2</sub> шиша матрицаси сирт ости қатлами микро-каттиқлигининг Li нанозарралари ва оғир метал (Ba, Pb) асосидаги аралашма фазаси нанозаррачаларининг параметрларига боғлигини аниқлаш ва ушбу қатлам чуқурлигини баҳолаш;

дозага боғлиқ ҳолда тўлқин узунлиги бўйича силжийдиган экстенция (ютилиш+сочишиш) полосасини аниқлаш ва нанозарралар катталиги ва ўлчамларини баҳолаш;

нурланишдан олдинги ва ундан кейинги оптикавий ютилиш, фото- ва гаммалюминесценция, қайтариш ва ўтказиш спектрлари бўйича электрон структуралар сатҳларининг энергияси ва уларнинг электронлар билан тўлдирилиш даражасини аниқлаш;

гамма нурлари ва электронлар билан нурлантирилгандан сўнг куб шаклидаги LiF кристалларида носферик, кичик ўлчамли металл нанозарраларнинг оптик ютилиши анизотропиясини уч томондан аниқлаш;

LiF кристалли ва SiO<sub>2</sub> шишасининг (Мотт координаталаридаги) сирт электр ўтказувчанлигига энг енгил Li ва оғир (Ba, Pb) металлари асосидаги нанозаррачаларнинг ўлчамлари/шаклининг таъсирини аниқлаш ва сакраш активация энергиясини ҳисоблаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида ион боғланишли юқори сифатли модель LiF монокристалларидаги, ковалент боғланган юқори тозаликдаги кварц (SiO<sub>2</sub>) ва легирланган (SiO<sub>2</sub>-Na,K,Ba), (SiO<sub>2</sub>-PbO) биллур шишаларидаги нанозарралар ва наноструктуралар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** ядровий нурланиш ва тезлаштирилган зарядланган зарралар дасталари таъсирида ион боғланишли кристалл ва шиша диэлектрик матрицаларда 0-1-2-3 ўлчамли нуқсонлардан нанозаррачалар ва наноструктуралар ҳосил бўлиш механизмлари ҳамда микро- ва наноўлчамли масштабда улар хоссаларининг структура ва таркибга боғлиқлиги ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Элементар таркибнинг рентген-флюоресцент таҳлили, структура ва фазавий таркибни рентген-диффракцион таҳлил қилиш; инфрақизил ва электрон микроскопия, оптикавий ва инфрақизил (ИК) қайтариш, микрокаттиқлик, электр ўтказувчанлиги каби сиртий-сезгир усуллар комплекси, шунингдек гаммалюминесценция, фотолюминесценция, ютилиш ва ўтказиш режимларидаги оптикавий ва ИҚ спектроскопия каби ҳажмий усуллардан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

LiF ни 10<sup>8</sup> Р дан катта дозаларда гамма-квантлари ва флюенси 10<sup>17</sup> см<sup>-2</sup> гача бўлган электронлар билан нурлантирилганда электр ўтказувчи параллел микротолалар (γ-билан нурлантирилганда) ва алоҳида оролчалар кўринишидаги (4 МэВ ли электронлар билан нурлантирилганда) Li нанозарралари ҳосил бўлиши, тўхтатилган реакторда гамма-нурлари билан нурлантирилганда эса LiOH киришма нанофазасининг кўпайиши аниқланган, улар F<sub>4</sub><sup>+</sup> марказларининг гамма люминесценцияси интенсивлиги ошишига ва

Li-нанометалл-LiF-диэлектрик интерфейсида термостимуллашувчи нур чиқарувчи рекомбинация ҳиссасининг ортишига олиб келади;

рангсиз LiF кристалларидан LiOH киришма нанофазаси ҳосил бўлишини (сегрегациясини) ҳисобга олган ҳолда  $10^4$ – $10^5$  Гр ораликда тўхтатилган реактор  $\gamma$ -нурларининг ютилган дозасини ўлчовчи оптикавий детектор сифатида фойдаланиш таклиф этилган;

биринчи марта SiO<sub>2</sub> тоза шишада кристобалит, таркибида барий бўлган шишаларда BaO ва BaSiO<sub>3</sub> нанокристаллари кўшимчалари аниқланган, уларнинг радиация билан индуцирланган ўсиши ҳамда сиртқи мустаҳкамлашга ва микроқаттиқликни ўзгаришига олиб келувчи асосий жойлашуви топилган;

таркибида ишқорий металл киришмаси, Ba ва Pb оксидлари бўлган силикат шишаларини гамма-квантлар ҳамда 4 ва 8.5 МэВ ли электронлар билан нурлантириш турғун бўялиш марказлари ҳосил бўлишига, ютилиш чегарасининг қизил силжишига, ўлчамлари шиша тўри сиқилишининг чекланганлиги билан боғлиқ бўлган 15 дан 30 нм гача бўлган нанозарралар ҳосил бўлишига олиб келиши кўрсатилган;

$\gamma$ -нурлантиришдан кейин кварц шишасида дозиметрияда уларни эътиборга олиш лозим бўладиган, ўлчамлари 8 дан 30 нм гача етадиган  $\alpha$ -кварц, кристобалит, тридимит нанокристаллитлари, хрусталларда молекуляр PbO ва BaO, силикат шишаларида - BaO<sub>2</sub> ва BaSiO<sub>3</sub> перовскит нанокристаллитлари аниқланган бўлиб, шишалардаги оптикавий спектрларнинг ўзгаришлари сегрегация туфайли икки қаватли электрик қатлам ҳосил бўладиган металл-диэлектрик интерфейсидаги нанозарраларнинг индуцирланган қутбланиши билан боғлиқ эканлиги кўрсатилган;

тоза кварц шишасини реакторда сув ичида  $10^{19}$  см<sup>-2</sup> дан катта флюенсларда тез нейтронлар билан ва вакуумда  $>5 \cdot 10^{15}$  см<sup>-2</sup> флюенсли протонлар билан нурлантиришда силжиш термопиклари пайдо бўлиши ва улар ультрабинафша (УБ) ютилишида маълум электрон ва ковак марказларга кўшимча катта интенсивликдаги резонансларни келтириб чиқариши аниқланган;

эритилган кварц ёрдамида нейтронлар иштирок этган/этмаган ҳолда реакторнинг гамма нурлари оқимининг алоҳида дозиметриясини амалга ошириш усули таклиф этилган.

**Тадқиқот амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

биринчи бўлиб илмий тадқиқотлар ва қаттиқ жисмларни радиацион модификациялаш технологияларини ишлаб чиқиш учун радиоактивликни келтириб чиқармаган ҳолда тўхтатилган реакторнинг кенг энергетик спектрига эга бўлган  $\gamma$ -нурларидан фойдаланиш таклиф қилинган;

$10^4$ – $10^5$  Гр ютилиш дозаси оралиғида сертификатланган квазитурғун <sup>60</sup>Co  $\gamma$ -нурлари манбаида даражаланган оптик детекторлар (LiF кристаллари ёки SiO<sub>2</sub>–BaO шишалари) ёрдамида тўхтатилган реакторнинг  $\gamma$ -нурланиши интенсивлигини ( $\sim 26$  Гр/с) ўлчаш методикаси ишлаб чиқилган;

ядро реакторининг ёқилғини сақлашнинг нам омборхонасида ионлаштирувчи нурланишнинг 0.6 Гр/с квазитурғун оқими аниқланиб, ундан материаллар/маҳсулотларни герметик қадоқда стериллаш учун фойдаланиш мумкинлиги асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ўзаро бир-бирини тўлдирувчи замонавий ва исботланган сирт-сезгир аналитик усуллар комплексининг қўлланиши, катта статистика ва ўлчовларнинг яхши такрорланувчанлиги билан тасдиқланиши, нанотузилмалар ва нанозаррачалар физикасининг умумий физик тушунчаларига, диэлектрикларнинг зарядланган зарралар, нейтронлар ва гамма нурлари билан ўзаро таъсирига, уларни физик назариялар, қонунлар ва моделлар билан таққослаш натижалари ва хулосаларига зид келмаслиги билан асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тизимли равишда турли ўлчамдаги радиацион нуқсонлардан радиолиз ва сегрегация орқали нанозаррачаларнинг пайдо бўлиши механизми систематик комплекс ўрганилганлигида, конденсирланган ҳолат физикасидаги наноструктуралар ва наноматериаллар радиацион физикаси йўналишини ривожлантириш учун фойдали ахборотлар олинганлигидадир.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти уларнинг замонавий литийли аккумуляторлари учун нано- ва микроструктуралашган электродлар, нанозаррачали сцинтилляторлар ва рентген детекторлари ишлаб чиқаришда қўлланиш истиқболи мавжуд эканлигидадир.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** LiF кристаллари ва SiO<sub>2</sub> асосидаги шишаларда радиация билан индуцирланган наноструктураларни тадқиқ қилиш бўйича олинган натижалар асосида:

LiF ни гамма-квантлари билан нурлантирганда электр ўтказувчи параллел микроканаллар кўринишида, 4 МэВ ли электронлар билан нурлантирганда алоҳида оролчалар кўринишида Li нанозарралари ҳосил бўлиши, тўхтатилган реакторда гамма-нурлари билан нурлантирилганда эса LiOH киришма нанофазасининг ўсиши хорижий тадқиқотчилар томонидан фойдаланилган (халқаро журналларда ҳаволалар: Technical Physics Letters, 2019. vol.45. No.7. pp. 679–682; Physical Chemistry Chemical Physics, 2021. 23(17) pp.10384–10394; Scientific Reports, 2016. 6:25435. pp.1–6). Илмий натижаларнинг қўлланилиши LiF-Mg ва Ti асосидаги термолюминесцент дозиметрда кечадиган радиацион ҳодисаларни, ҳамда LiCl-Li эритмадаги Li кластерлари ҳосил бўлишини тушинтиришга имкон берган;

рангсиз LiF кристалларидан LiOH киришма нанофазаси ҳосил бўлишини ҳисобга олган ҳолда тўхтатилган реактор  $\gamma$ -нурларининг  $10^4$ – $10^5$  Гр оралиқдаги ютилган дозасини ўлчовчи оптикавий детектор сифатида фойдаланиш таклиф этилганлиги,  $\gamma$ -нурлантиришдан кейин кварц шишасида  $\alpha$ -кварц, кристобалит, тридимит нанокристаллитлари, хрусталларда молекуляр PbO ва BaO, силикат шишаларида - BaO<sub>2</sub> ва BaSiO<sub>3</sub> перовскит нанокристаллитлари аниқланганлиги, шишалардаги оптикавий спектрларнинг ўзгариши икки қаватли электрик қатлам ҳосил бўладиган металл-диэлектрик

интерфейсдаги нанозарраларнинг индуцирланган қутбланиши билан боғлиқ эканлигининг кўрсатилиши ЎзР ФА Ядро физикаси институтидаги “Тадқиқот ядро реактори” ноёб илмий объектида катта дозалар дозиметриясида ҳамда ФА-А3-Ф004 “ЎзР ФА ЯФИ даги ВВР-СМ тадқиқот реактори ёқилғи циклини оптималлаштириш ва параметрларини назорат қилиш” (2018–2020), ФА-А14-Ф062 “ВВР-СМ реакторининг кам бойитилган ёқилғига ўтишдан кейин реактор параметрларини яхшилаш” (2009–2011) амалий лойиҳалари доирасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг 2020 йил 30 июндаги №31-2115-376-сонли хати; Патент ЎзР № IAP 2009 0114 дан 23.04.2009. 2010. №4 (108). с.13.). Илмий натижаларининг қўлланилиши ВВР-СМ реакторидаги барча вертикал каналлар учун нейтронлар оқими ва унга ҳамроҳ бўладиган гамма-нурланишнинг ҳисобланган қийматини дозиметрик характеристикаларининг экспериментал қийматлари билан таққослаш ва нурлантириш вақти ва дозасини ўлчаш аниқлигини ошириш, шунингдек реакторда нурлантирилган табиий қимматбаҳо тошларнинг сифатини ошириш технологиясини ишлаб чиқишга имкон берган;

$\text{SiO}_2$  тоза шишада кристобалит, таркибида барий бўлган шишаларда ВаО ва  $\text{BaSiO}_3$  нанокристаллари қўшимчаларининг аниқланганлиги, уларнинг радиация билан индуцирланган ўсиши ҳамда сиртни мустаҳкамлашга ва микроқаттиқликни ўзгаришига олиб келувчи йўналтирилган жойлашувининг топилганлиги хорижий тадқиқотчилар томонидан фойдаланилган (халқаро журналларда ҳаволалар: *Glass Physics and Chemistry*, 2015. vol. 41. No. 4. pp. 385–388; *Strength of Materials*, 2011. vol. 43. No.1. pp.109–112; *Prog. Photovolt: Res. Appl.* 2004. 12:569–572). Илмий натижаларнинг қўлланилиши катта дозаларда электронлар билан нурлантиришнинг плёнкаларнинг структураси ва таркибига, нейтронлар билан нурлантиришнинг эса кварц панжарасининг ҳажмий кенгайишига таъсирини, гамма-нурлантиришдан кейин аморф  $\text{SiO}_2/\text{Si}$  нинг чегарасида тажрибада топилган оксидланиш ва диспропорционаллашишни, термик ишлов беришнинг кварц шишасининг микроқаттиқлигига таъсирини, реактор нурланишининг САВ-1 русумидаги авиаллар микроқаттиқлигига таъсирини тушунтиришга имкон берган;

эритилган кварц ёрдамида нейтронлар иштирок этган/этмаган ҳолда реакторнинг гамма нурлари оқимининг алоҳида дозиметриясини амалга оширишнинг таклиф этилган усули “Курчатов институти” ИТМ нинг тажриба базасидаги қуввати 0.1–300 кВт бўлган ОР тадқиқот ядро реакторининг тажриба каналидаги метрологик тадқиқотлар учун фойдаланилган (халқаро журналларда ҳаволалар: *Measurement Techniques*, 2021, vol. 64, pp. 244–249; *Journal of Nuclear Materials*, 2013, vol.443. pp.393–397; *Journal of Advanced Concrete*, 2018, vol. 16. Issue 5. p.191–209). Илмий натижаларнинг қўлланилиши ОР реакторида ўрнатилган режимда ҳамда ортиш ва камайиш режимларида нурлантирганда гамма-нурларнинг ютилиш дозаси улушини аниқлашга имкон берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертация ишининг асосий натижалари 25 та Халқаро ва Республика илмий конференцияларида маъруза қилинган, ҳамда муҳокама этилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 48 та илмий иш, жумладан, 1 та патент, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган нашрларда 22 та илмий мақола, шулардан 15 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 225 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган. Тадқиқотларнинг республикада илм-фан ва технологияларни ривожлантиришнинг асосий устувор йўналишлари билан алоқаси кўрсатилган. Муаммони ўрганиш даражаси муҳокама қилинган, мақсад ва вазифалар шакллантирилган, объектлар танланган, тадқиқот мавзуси аниқланган ва тадқиқот усуллари тавсифланган. Илмий янгилик таъкидланган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган. Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти қайд этилган. Ишнинг апробацияси, шунингдек, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши тўғрисида қисқача маълумот берилган.

Диссертациянинг **"LiF кристалларидаги ва SiO<sub>2</sub> асосидаги шишаларда нанозарраларнинг физик-кимёвий хусусиятлари тўғрисида адабиётларни кўриб чиқиш"**, деб номланган биринчи бобида нанозарралар ва наноструктураларнинг экспериментал ва назарий тадқиқотлари бўйича адабиётлар таҳлил қилинган. Литийнинг нанозаррачалари ва коллоид эритмаларини турли хил муҳитда олиш усуллари бағишланган ишлар таҳлил қилинган. Ҳозиргача бўялиш ва нурланиш марказлари радиация таъсирида ҳосил бўладиган нуқтавий нуқсонлар билан боғлиқ эканлиги таъкидланиб, улар нурлантириш шароитга кўра ҳажм бўйлаб бир текис ёки заррача ҳаракати йўналиши бўйлаб бирор концентрация градиенти билан тақсимланади, деб ҳисобланиб келинган. Аммо, нурлантиришнинг маълум бир шароитида оптик-механик хусусиятларга таъсир этувчи нанокристалли қўшимчалар ҳосил бўлиши содир бўладики, улар ҳали етарлича ўрганилмаган.

Диссертациянинг **"Тадқиқот объектлари ва тажриба усуллари"** деб номланган иккинчи бобида LiF кристаллари ва SiO<sub>2</sub> асосидаги шишаларни олиш, уларнинг структурасини, механик, электр ва оптик хусусиятларини ўрганиш ва таҳлил қилиш усуллари баён этилган.

LiF кристаллари ва SiO<sub>2</sub> асосидаги шишаларнинг намуналари Давлат оптика институти (Россия) томонидан ядровий нурланиш таъсирини ўрганиш учун тақдим этилган. Металл буғларда иссиқлик билан ишлов бериш пайтида ёки юқори энергияли ионлаштирувчи нурлантириш таъсирида металл наноколлоидларнинг ҳосил бўлиш механизмлари кимёвий боғланишларнинг

узилиши ва анионларнинг учиби чиқиши билан ИГК сирт стихометриясининг бузилиши ҳодисасига асосланган. Таҷрибаларда  $^{60}\text{Co}$  нинг  $\gamma$ -нурлари (ўртача энергияси  $\sim 1.25$  МэВ),  $3.3 \cdot 10^{17} \text{см}^{-2}$  флюенсгача реакторнинг актив зонасидаги  $\gamma$ -нурлар аралашмасидан Cd-филтри орқали ажратиб олинган иссиқлик нейтронларисиз тез нейтронлар ва  $5 \cdot 10^8$  Р дозагача ионлашган ҳаводаги  $\gamma$ -квантлар оқимидан (энергиялари 7 МэВ гача), вакуумда  $10^{15} \text{см}^{-2}$  гача флюенсдаги протонлардан, энергияси 4 МэВ, ток импулси 4.5 мкс, ток дастаси зичлиги 50 дан 3000 нА/см<sup>2</sup> гача бўлган, интеграл флюенси  $10^{13}$  до  $10^{17}$  эл/см<sup>2</sup> гача булган электронлар дастасидан фойдаланилди.

Бош вазифа наноўлчамли ва нуқтавий нуқсонларнинг улушини ажратиш учун сиртий-сезгир ва ҳажмий таҳлил усуллари комплексидан фойдаланилди: рентгено-флюоресцент таҳлил Ge -детекторли кўп каналли анализаторда амалга оширилди (хатолик  $< 0.1\%$ ); сиртдаги микро- ва наноструктураларнинг локал элемент таркиби Be дан бошлаб 2–20 мкм масштабда EDS Aztec (Oxford Instrum) энергодисперс системага эга бўлган EVO MA10 (Zeiss) сканерловчи электрон микроскоп (СЭМ)да аниқланди (хатоликлар  $\pm 0.2\%$ ); намуналарнинг структураси ва фазавий таркиби ДРОН-3М ускунасида ( $\lambda_{\text{CuK}\alpha} = 0.1542$  нм) рентген дифракцияси усулида  $2\Theta = 10 \div 70^\circ$  бурчаклар оралиғида шунингдек, 5–140 град., бурчак оралиғида Ni- филтр ва Cu- катодга эга бўлган ёруғликка сезгир X-трубкали Empyrean (PANalytical) ускунасида тадқиқ этилди; намуналарнинг сирт ости қатлами микроқаттиқлиги ПМТ-3 асбобида 20÷200 грамм юк остида аниқланди; сирт электр ўтказувчанлиги ( $\sigma_s$ ) доимий 10 В кучланиш остида ихота электродларига эга классик уч электродли схема бўйича ҳароратнинг 300–500 К оралиғида 7.3 К/мин. қиздириш тезлик билан амалга оширилди; оптикавий ютилиш (ОЮ) спектрлари 200–900 нм оралиқда Specord M-40 «Карл-Цейсс» спектрофотометрларида ва 6 нм ли тирқиш орқали тўлқин узунликларнинг 190–1100 нм оралиғида ва оптик зичликнинг 5 гача қийматларида СФ-56 да (ЛОМО) ёзиб олинди,  $4000\text{--}400 \text{см}^{-1}$  тўлқин сонлари оралиғидаги ИҚ ўтказиш/ютилиш/қайтариш спектрлари катта статистикада iS50 Nicolet (Thermoscience) спектрометрида олинди (хатолик  $< 1\%$ ); 300 К да 200–800 нм оралиғида давомлилиги 12 нс ва тўлқин узунлиги 337 нм (ИЛГИ-503) лазер импулси билан уйғотилган фотолюминесценция (ФЛ) спектрлари MPF-2A флюориметрида ёзиб олинди; гаммалюминесценции (ГЛ) спектрлари қуввати 406 Р/с ва ҳарорати 320 К бўлган каналда  $^{60}\text{Co}$  гамма нурлар манбаида уйғотилиб, нур ўтказгич ва 200–800 нм да ишловчи, МСД-1БУ кўшимчага эга бўлган призмали SPM-2 монохроматор ёрдамида олинди.


Диссертациянинг **"LiF кристалларидаги радиация билан индуцирланган нанозаррачалар ва наноструктуралар"** деб номланган учинчи бобида юқорида айтиб ўтилган кристалларни ионлаштирувчи нурлар билан нурлантиргунча ва нурлантирилгандан кейинги кристалл тузилиши, механик хусусиятлари, ОЮ, ФЛ ва ГЛ спектрлари, электр ўтказувчанлиги баён этилган.

Пластина кўринишидаги LiF кристаллари (100) текислик бўйлаб бўлиб олинган. Куқунлар 14–21 мкм гача туйилган. Кристалл наноқўшимчалари ўлчамлари Селяков-Шеррер формуласи бўйича аниқланди:

$$L = 0.94 \cdot \lambda / \beta_{hkl} \cdot \cos \Theta_{hkl}, \quad (1)$$

бу ерда  $L$ -доначанинг катталиги (нм),  $\lambda$ -найчанинг нурланиш тўлқин узунлиги (нм),  $\Theta$ -қайтариш бурчаги (радиан),  $\beta$ -ушбу қайтаришнинг ярим кенглиги (радиан).

1-расмда LiF кристалларининг реактор тўхтатилганидан кейин унинг актив зонасидаги гамма-нурлари билан нурлантургунга қадар ва нурлантиргандан кейинги рентгенограмма фрагментлари кўрсатилган.




1-нурлантирилмаган эталон; 2 - реактор тўхтатилгандан сўнг каналдаги сувда 10 соат давомида гамма нурлари билан нурлантирилган намуна

### 1- расм. LiF кристаллари рентгенограммаси бўлаклари

Нурлантириш натижасида оналик матрицасидаги 45 градусдаги рефлекснинг (200 рефлекс) ташкил этувчилари интенсивликларининг нисбати ва селектив рефлекс шакли ўзгарганлиги топилди (1-б расм), бу ўзгариш металл наноэрааларидан сочилиш бўйича ҳисоблаб топилгандан фарқ қилади ва бу LiF оналик панжарасидаги {111} текислик бўйича структуранинг радиация билан индуцирланган иккиланиши (двойникование) содир бўлгани ҳақида гувоҳлик беради. Бундан ташқари, нурлантиришдан кейин LiF сиртидаги сув молекулалари радиолизи ва фтор молекулаларининг кетиши туфайли структуравий нуқсонлар ҳосил бўлиши, шунингдек водород ёки OH-радикалларининг киритилиши билан диффуз полоса (а фрагмент) ва 57.5 градусдаги (112) структуравий рефлекс (в фрагмент) интенсивлигининг ортиши рўй беради. Катламлар орасидаги масофаси  $1.612 \text{ \AA}$  бўлган (112) рефлекс (1в расм) ўлчамлари  $\sim 28$  нм бўлган ишқорий LiOH нанопреципитатларга тегишлидир. Уларнинг миқдори нурлантиргандан кейин 3 мартага ортади.

Сиртости қатламларини чуқурлиги бўйича рентген-структуравий таҳлил усули билан сканерлаб бўлмаслиги сабабли бу қатламлардаги наноқўшилмаларни ўрганиш учун микро каттикликни аниқлаш усули қўлланилди.

2-расмда  $^{60}\text{Co}$  манбаи ва тўхтатилган реакторнинг гамма нурлари билан нурлантиришдан олдин ва нурлантирилгандан кейин LiF кристаллари микроқаттиқлиги  $H_{\mu}$ нинг юк массасига боғлиқлиги кўрсатилган.




1- эталон, 2-  $^{60}\text{Co}$  гамма нурлари билан 765 P/c дозада нурлантирилган, 3- тўхтатилган реактор каналида сувда гамма нурлар билан а) -10 соат, б)-54 соат нурлантирилган намуналар

## 2- расм. LiF кристалларининг микроқаттиқлиги

Нурланишдан кейин юкланишнинг бутун ўрганилган оралиғида  $H_{\mu}$  нинг ортиши кўриниб турибди, бу эса сиртнинг радиация билан индуцирланган мустаҳкамланиши деганидир. Реакторда гамма нурланиши натижасида микроқаттиқлик қиймати ошишининг дозага боғлиқлиги кўпроқ сезилади. Чунки сув иштирокида  $\sim 28$  нм катталиқдаги LiOH наноқўшимчалари иштирокидаги иккиланган структураларнинг зичлиги ортади. Дозани аниқлашнинг иложи йўқ эди, чунки вақт ўтиши билан тўхтатилган реактордаги гамма-оқимининг интенсивлиги номонотон пасайиб боради, шу сабабли доза  $^{60}\text{Co}$  даги эффект билан таққослаган ҳолда баҳоланди. Қуруқ ҳавода  $^{60}\text{Co}$  манба билан гамма нурлантирилгандан кейин микроқаттиқликнинг энг паст қийматга эга бўлишини мантиқан тушунтириш мумкин, чунки бу ҳолда кичик ўлчамли (8 нм) Li нанозаррачалари ҳосил бўлган. Шу тариқа микроқаттиқлик натижалари РСА билан мос келади.

3-а),б),в) расмларда  $9 \cdot 10^4 - 1.8 \cdot 10^6$  P доза оралиғида гамма-нурлантирилган 1 мм қалинликдаги LiF кристалларининг ютилиш спектрлари кўрсатилган.  $F$ -марказларига мос келадиган 250 нмдаги полоса интенсивлиги дастлаб доза бўйича  $D=3.0$  гача ортиб боради ва унинг ярим кенглиги 0.89 дан 0.74 эВ гача камаяди (3а-расм). Ушбу дозалар оралиғида  $F$ -марказ полосаси максимумининг тўлқин узунлиги доза ошиши билан ўзгармайди, бу эса Бугер-Бер қонуни асосига қўйилган ва ундан келиб чиқадиган  $F$ -марказлар концентрациясини аниқловчи Смакула-Декстер формуласига мос келувчи оптик зичликнинг чизиқли ўсиши билан бирга, шаффоф диэлектрик муҳитда бир текис тақсимланган изоляция қилинган электрон осцилятор тушунчасига тўлиқ мос келади.



нурлантириш дозалари: а)  $9 \cdot 10^4$  P –  $6.3 \cdot 10^5$  P; б)  $0.72 \cdot 10^6$  P га қадар; в)  $7.2 \cdot 10^5$  P– $1.8 \cdot 10^6$  P

**3-расм. Ҳавода 320 К да 520 P/с интенсивликдаги  $^{60}\text{Co}$ - манбаси гамма нурлари билан нурлантирилган қалинлиги 1 мм LiF кристалларидаги максимуми 250 нм бўлган  $F$ -марказлари ютилиш полосасининг дозадан боғлиқлиги**

Якка жойлашган  $F$ -марказлар сферик симметрияга эга, шу сабабли улар кенг симметрик гаусс полосаси билан характерланади. Оптикавий марказларнинг концентрацияларини Смакула-Декстер формуласи орқали ҳисобладик:

$$N = 1.28 \cdot 10^{17} [n/(n^2+2)^2] \cdot K_m H / f \text{ см}^{-3}, \quad (2)$$

бунда  $n$ - $F$ -полоса максимумига мос келувчи тўлқин узунлиги учун синдириш кўрсаткичи, LiF учун у 1.35 га тенг;  $f$ - осциллятор кучи;  $H$ -  $F$ - полосанинг ярим кенглиги, эВ ларда;  $K_m$ -  $F$ -полоса максимумидаги ютилиш коэффиценти,  $\text{см}^{-2}$ да.

Нурлантириш дозаси  $0.72 \cdot 10^6$  P да унинг максимумлари 245 ва 260 нм ҳамда  $D \sim 3.6$  билан тавсифланувчи асимметрик профилга эга бўлган иккита ингичка чизиқлар дублетига бўлинади. Айти пайтда фтор бивакансиялари билан боғлиқ бўлган кучсиз 450 нм полоса пайдо бўлади, кристалл оч яшил ранг олади. Бу ранг 300 К да уч соат ушлаб турилганда сариқ рангга айланади, у нотурғун  $H$ -марказлар ( $F_2$  молекулалари) билан боғлиқ. Такрорий ўлчашлар 245 ва 260 нм даги дублетга бўлиниш ҳам нотурғун эканлигини ва битталиқ 250 нм полоса қайта тикланишини, аммо бир қадар каттароқ оптикавий зичлик

билан тикланишини кўрсатади. Қўшни марказлар орасидаги ўртача масофа  $N$  концентрация орқали  $d=10^7/N^{1/3}$  (нм) формула билан аниқланди. Натижалар 1-жадвалда келтирилган.


### 1-жадвал

**Синиш коэффициенти, ютилиш коэффициенти,  $F$ - марказ - 4.95 эВ (250 нм) полосасининг ярим кенглигидан  $N_F$ -нинг концентрациясини ва  $M$ -марказ 2.78 эВ (445 нм) дан  $N_M$  концентрациясини, шунингдек, 320 К да 520 Р/с интенсивлик билан нурлантирилган LiF кристалининг (қалинлиги 1 мм) марказлари орасидаги масофа  $d$  ни ҳисоблаш**

Доза, $10^5$ Р	$N_F$ (250 нм) $10^{17}$ см <sup>-3</sup>	$d - F-F$ марказлар орасидаги масофа, нм	Доза, $10^5$ Р	$N_M$ (445 нм) $10^{16}$ см <sup>-3</sup>	$d - M-M$ марказлар орасидаги масофа, нм
0	0	—	8.1	0.64	54.3
0.9	0.97	21.7	9.9	1.14	44.8
1.8	1.33	19.5	18	1.61	40.0
2.7	1.63	18.2	37	2.24	35.8
3.6	1.97	17.2	55	2.92	32.9
4.5	2.25	16.4	75	3.71	30.4
5.4	2.26	16.3	93	5.69	26.4
6.3	2.74	15.4	110	6.67	25.1
7.2	3.33	14.5	200	9.64	22.2

Ҳисоблашлар жадвали кўрсатадики,  $6.3 \cdot 10^5$  Р дозада ўзаро таъсирлашмайдиган  $F$ -марказларнинг чегаравий  $N=2.74 \cdot 10^{17}$  см<sup>-3</sup> ҳажмий концентрациясига ва мос ҳолда қўшни  $F$ - марказлар орасидаги энг кичик ўртача масофа  $d \sim 14.5$  нм га эришади. Бундай ҳолда кейинги  $7.2 \cdot 10^5$  Р дозада қўшни  $F$ - марказлар шунчалик яқинлашишадики, улар заряд ташиш билан алмашинув ўзаро таъсирга киришадилар ва  $\{110\}$  йўналишда  $a \sim 14$  нм бўлган катта ўқли акциал симметрияга эга  $F-F$ - марказлар жуфтлигини ( $M$ -марказларни) ҳосил қилади, бу ҳол оптик зичликнинг шиддатли равишда  $D=4.2$  гача ошиши ва электрон сатҳларнинг бўлиниши билан ҳосил бўлади. Доза бўйича дублетга бўлинади ҳамда  $F$ - марказларнинг концентрацияси ошиб боради, қўшни марказлар орасидаги масофага эса камаяди, шу босқичда турғун молекуляр  $M$ -марказлар – фтор бивакансиялари  $F_2$  ҳосил бўлиш имконияти вужудга келади. 4.75–5.5 эВ (225–260 нм) соҳада 11–150 К ҳарорат оралиғи ва  $10^8$  дан 10 секундгача электронлар билан нурлантирилганда қисқа вақт оралиғида яшовчи ютилиш полосаси кузатилган ва  $D_{2h}$  симметрияга эга бўлган ва  $\{110\}$  и  $\{111\}$  бўйича йўналган автолокаллашган экситонлардаги триплет-триплет ўтишларга боғланган. Уларнинг 300 К да мавжудлиги  $H$ -марказларнинг юқори даражадаги ҳаракатчанлиги туфайли ажратилган  $F-H$  жуфтлиги ҳосил бўлиши ҳақида хабар беради.

4 а),б),в) расмда LiF кристалларининг томонлари 10 мм бўлган кубнинг  $a$  ва  $b$  ўқлари бўйича гамма нурлари билан нурлантиргунча ва  $0.9 \cdot 10^5$  P дан  $1.65 \cdot 10^6$  P гача дозалар билан нурлантиргандан кейин уларда Li нанокалоидлари (380 нм) ҳосил бўладиган  $M$ - (450 нм) ва  $F_2^+$ - марказларнинг (620 нм) сони тез ошиб борганидаги оптик ютилиш спектрлари келтирилган.



а)- (100) юзадан олинган: 1- нурлантирилмаган ва кетма-кет кўйидаги дозалар билан нурлантирилган: 2-  $0.9 \cdot 10^5$  P, 3-  $1.8 \cdot 10^5$  P, 4-  $2.7 \cdot 10^5$  P, 5-  $3.6 \cdot 10^5$  P, 6-  $5.4 \cdot 10^5$  P, 7-  $7.2 \cdot 10^5$  P; б) в)- (010) юзадан олинган: 1- нурлантирилмаган, 2-  $0.9 \cdot 10^5$  P, 3-  $1.8 \cdot 10^5$  P, 4-  $2.7 \cdot 10^5$  P, 5-  $3.6 \cdot 10^5$  P, 6-  $5.4 \cdot 10^5$  P, 7-  $7.2 \cdot 10^5$  P и в) 1 -  $9.1 \cdot 10^5$  P, 2 -  $1.1 \cdot 10^6$  P, 3-  $1.28 \cdot 10^6$  P, 4-  $1.46 \cdot 10^6$  P, 5-  $1.65 \cdot 10^6$  P дозалар билан нурлантирилган


#### 4-расм. LiF нинг оптик ютилиш спектрлари

4а)-расмда биз биринчи марта 202–225 нм даги полосанинг кичик дозаларда дублетга бўлинишгача сиқилишини (2 ва 3 спектрлар) топдик, бу хол фақат (100) қиррадагина кўринади, бу нарса уни аксиал симметрияли икки атомли тугунлар ўртасида жойлашган фтор молекуласи билан боғлашга имкон беради.  $2.7 \cdot 10^5$  P да (100) қиррада 209–212–215 нм,  $0.9 \cdot 10^5$  P да (010) қиррада 211–213–215 нм триплетларнинг пайдо бўлиши радиация билан индуцирланган катта осцилляторга эга бўлган ва шу сабабли жуда катта интенсивлик билан ютадиган аксиал симметрияли биполяронлар билан боғлиқ. Минимал дозалардан кейин 270 нм да пайдо бўладиган резонанс доза ошиши билан 284 нм гача силжийди (4 а) расм, 2–7 спектрлар). 4 б) расмда 211–213–215 нм даги триплет (2 спектр), кейин эса резонанснинг 272 дан 295 нм гача силжиши кўринади. Яъни (110) қатламда жойлашган литий нанокалоидлари (100) ва (010) қирралардаги проекциялари каби кўринади.

Фақат 4в)-расмда 450 нм даги полосанинг  $1.65 \cdot 10^6$  P максимал доза олганидан сўнг 438–445–450 нм триплетга бўлиниши кўринади. Триплет ва 620 нм даги кучсиз полоса нотурғун, ориентацияга боғлиқ, аммо оптик зичлик (барча қирралар бўйича спектрлар олинишига) изотропдир, яъни ( $F_2$  - $F_3$ ) комплекслар энг нуқсонли бўлган (111) текислик бўйлаб ориентацияланган бўлиб, унинг проекцияси учала ўқ бўйлаб кўринади.

5-расмда 300 ва 470 К ва  $1.7 \cdot 10^6$  P дозада  $^{60}\text{Co}$  манбанинг гамма нурлари билан нурлантирилган намуналарнинг ўтказиш режимида қайд этилган

инфрақизил (ИҚ) спектрлари кўрсатилган. Нурлантирилмаган намунада Li-F боғланишнинг  $900\text{--}750\text{ см}^{-1}$  ва  $650\text{--}400\text{ см}^{-1}$  соҳалардаги интенсив ютилиш полосалари (5 расм) кўриниб турибди (1 спектр).




Нурлантирилмаган (1),  $^{60}\text{Co}$ -манбада  $1.7 \cdot 10^6\text{ Р}$  доза билан 300 К да (2) ва 470 К да (3) нурлантирилган

### 5-расм. LiF кристалларининг 300 К да олинган ИҚ ютилиш спектрлари

300 К да гамма-нурлантирилганда (2 спектр) радиолиз туфайли Li-F боғланишлар сони камаяди, мос равишда иккала полоса кескин камаяди, уларнинг ўрнига  $\text{F}_2$  молекулалар тебраниши билан боғлиқ  $450\text{ см}^{-1}$  даги интенсив полоса ва  $\text{Li}_2$  агрегатлари билан боғлиқ  $700\text{ см}^{-1}$  даги полоса пайдо бўладики, улар панжара динамикаси ва LiF зичлик ҳолатлари функциясининг ортиши билан мос келади. 3 расм 470 К да термик ишлов бериш  $\text{Li}_2$  агрегатлари сонининг ошишига мос равишда ва  $700\text{ см}^{-1}$  даги полосани кучайтиради ва кенгайтиради ҳамда фтор эмиссияси туфайли  $450\text{ см}^{-1}$  даги полосани сусайтиради. Электронлар билан 100 нА токда  $1.3 \cdot 10^7\text{ Р}$  доза билан нурлантирилгандан кейинги ИҚ – спектр электронлар дастаси билан қиздириш ҳисобига 470 К да гамма нурлари билан нурлантирилган намуна спектри билан амалда мос тушади (5 расмнинг 3 спектри).

6-расмда LiF кристалларининг бўлиниш сиртларининг микрографалари (100) кўрсатилган: а)-нурлантирилмаган ҳол, унда бўлиниш қирралари ва силлиқ атом сиртлари кўринади. б)-расмда  $10^9\text{ Р}$  дозада гамма нурлари билан нурлантирилган LiF диэлектрикнинг 30–40 нм электр ўтказувчи графит наноқатлами билан қопланган қоронғи сиртида алоҳида-алоҳида ёрқин металл Li наноэлектродлари кўринади, графит билан қопланмаган сиртда эса ёрқин тартибланган узун параллел микротолалар кўринади.




а) нурлантирилмаган, б)  $^{60}\text{Co}$ - манбасида интенсивлиги 1100 P/c бўлган гамма нурлари билан  $10^9$  P дозада да нурлантирилган, в)  $10^{17}$  эл/см $^2$  флюенсда 4 МэВ ли электронлар билан 3 мкА ток оқимда нурлантирилган

### 6-расм. LiF кристаллари бўлиниш сиртларининг микросуратлари

Қуруқ ҳавода LiF ни 4 МэВ ли электрон билан максимал 3 мкА/см $^2$  ли ток зичлигида  $10^{17}$  эл/см $^2$  дозагача нурлантиришдан сўнг (6 в-расм), силлик кесилган сиртда ёрқин оролчалар кўринади. Афтидан, 4 МэВ электрон тушган жойида локал ионлашиш туфайли фтор учиб кетади, Li эса даста йўналишида пирамидачалар шаклида ўсади. Локал элементар таҳлиллар асл ва нурлантирилмаган сиртда фтордан бошқа нарсани топмади (чунки Li ни детектор аниқламайди), бу ҳаводаги электронлар билан нурланишда сирт оксидланишининг йўқлигини кўрсатади. Нурланмаган LiF кристаллининг бўлиниш юзасида (6-расм а), зинапоялар кўришиб туради, уларнинг юқори ёрқинлиги, чеккасида металл ионларидан электронлар чиқиши билан боғлиқ. Диссертациянинг тўртинчи бобида **"SiO $_2$  асосидаги шишаларда радиация билан индуцирланган нанозарралар ва наноструктуралар"** ўрганилган.

7-расмнинг чап томонида эталон – тоза SiO $_2$  шишасининг рентгенограммаси келтирилган. Асосий диффуз рефлекс ўлчамлари  $0.75 \pm 0.02$  нм бўлган SiO $_{2-x}$  структуравий фрагментлари, ҳамда ўлчамлари  $1.4 \pm 0.04$  нм бўлган O–Si–O молекулаларидан ташкил топган наноҳалқаларнинг акси билан боғлиқ. Уч ўлчовли турли ясси ячейкаларнинг шиша тўрдаги текис кесими 0.7 дан 1.5 нм гача ўлчамга эга. Кенг диффуз полосаларда, ўлчамлари мос равишда 39 ва 28 нм бўлган кристобалит нанокристаллари билан боғлиқ (111) ва (101) селектив рефлекслар, шунингдек, ўлчамлари 35 нм бўлган  $\beta$ -кварц билан боғлиқ (101) рефлекси ажралиб туради. Тоза SiO $_2$  нинг нурлантиргунча ва тез нейтронлар билан нурлантиргандан кейинги рентген диффракцияси спектрлари 7 расмнинг ўнг томонида кўрсатилган. Дастлабки нурлантирилмаган намунанинг спектри (1 эгри чизик) ўлчамлари мос равишда  $L_1 \approx 1.7$  нм ва  $L_2 \approx 1.2$  нм бўлган  $\alpha$ - ва  $\beta$ - кварц кристалл структурасининг фрагментлари билан боғлиқ текисликлари орасидаги масофалари  $d/n=0.4077$  и  $0.2522$  нм бўлган икки диффуз рефлекслардан ташкил топган.  $1.5 \cdot 10^{18}$  см $^{-2}$  гача бўлган флюенслар билан нурлантиргандан сўнг (2 эгри чизик) иккала диффуз қайтариш сақланади, аммо уларнинг сезиларли кенгайиши кузатиладики, бу

ҳол структуравий фрагментларнинг ўлчамлари  $L_1 \approx 1.5$  нм ва  $L_2 \approx 0.8$  нм гача камайиши ҳақида далолат беради.



Чапда: нурланмаган тоза  $\text{SiO}_2$  шиша намунасидаги 1 -  $\text{SiO}_2$  нинг кристобалит (101 ва 200 рефлекслар) ва 2 -  $\beta$ - $\text{SiO}_2$  - кварц (101 рефлекс) фазалари; ўнгда:  $\text{SiO}_2$  намуналарининг массаларига бўлиб нормаллаштирилган рентгенограммалар: нурланмаган (1) ва  $1.4 \cdot 10^{14} \text{ см}^{-2} \text{ с}^{-1}$  интенсивликдаги нейтронлар ( $> 3$  МэВ) билан  $1.5 \cdot 10^{18} \text{ см}^{-2}$  (2),  $1 \cdot 10^{19} \text{ см}^{-2}$  (3),  $5 \cdot 10^{19} \text{ см}^{-2}$  (4) флюенсда нурлантирилган намуналар

### 7-расм. $\text{SiO}_2$ нинг *a*-кристобалит, *б*-гексагонал тридимит фазаларидан олинган рентгенограммалар

Бу ҳолат  $E'_2$ -марказларнинг энергияси ва концентрациясининг камайиши ва кўприк бўлмаган кислород атомларининг (КБКА) энергияси ва концентрациясининг ортиши билан боради. Шундан кейин биринчи диффуз чўққининг катта сочилиш бурчаклари томон силжиши, кенглигининг камайиши билан боради, бу ҳол  $L_1 \approx 1.8$  нмга мос келувчи биринчи структуравий фрагментларнинг унча катта бўлмаган ортиши ҳақида далолат беради. Айни пайтда иккинчи чўққи амплитудасининг камайиши кузатилади.  $10^{19} \text{ см}^{-2}$  флюенс билан нурлантириш (3-эгри чизик) ноэластик фоннинг сезиларли ортишига (аморфлашув ва метамиктлашув) ва диффуз рефлекслар интенсивлигининг унча катта бўлмаган камайиши ва диффуз рефлексларнинг кенгайишига олиб келади, бу ҳолат структуравий фрагментлар ўлчамларининг  $L_1 \approx 1.6$  нм ва  $L_2 \approx 0.8$  нм гача камайишини билдиради.  $2.5 \cdot 10^{19} \text{ см}^{-2}$  флюенс билан нурлантирилгандан кейин чўққиларнинг интенсивликлари камаяди, бунда биринчи чўққи иккинчисига қараганда тезроқ камаяди.


Кичик сочилиш бурчакларида ноэластик фон даражасининг шиддатли ошиши  $L_2$  фрагментларнинг майдаланиши ҳисобига нуқтавий нуқсонлар концентрациясининг ортиши ва аморфлашуви ҳақида далолат қилади. Демак, нуқсонлар ўлчамлари  $< 1$  нм бўлган юпка сиртости қатламида жойлашади. Бунда Смакула-Декстер формуласи ёрдамида ҳисобланган нуқсонларнинг ҳажмий концентрацияси  $5 \cdot 10^{16} - 10^{17} \text{ см}^{-3}$  ни квазиикки ўлчамли қатлам учун қайта ҳисоблаш лозим бўлади ва улар орасидаги масофа 1–10 нм га жуда яқин бўлади. Шу сабабли электронли  $E$  ва ковакли  $O_1$  нуқсонлар орасида  $f$ -осциллятор кучини,  $D$  оптик зичликни кескин оширувчи ва чўққиларни 0.1 эВ

гача сиқилишини таъминловчи кучли электродипол ўзаро таъсир вужудга келади. Максимал  $5 \cdot 10^{19} \text{ см}^{-2}$  флюенсдан кейин (4 эгри чизик)  $L_2$  иккинчи диффуз қайтаришнинг интенсивлиги жуда кам сезиладиган даражагача камаяди, биринчи чўққи интенсивлиги эса дастлабки намунадагига нисбатан уч мартадан кўпроқ камаяди. Кварц структуравий фрагменти ўлчамлари  $L_1 \approx 1.6$  нм ни ташкил этади. Эҳтимол  $L_1$  нинг интенсивлиги наноразмердаги электродиполларнинг ( $E'$  ва КБКА) адсорбцияланган  $\text{OH}^-$  ва  $\text{H}^+$ лар билан заряд бўйича нейтраллашуви натижасида камаяди. Бунда ноэластик фоннинг даражаси тахминан икки баравар ортади, бу ҳол шиша тўридаги  $L_1$  структуравий фрагментларни ўраб турувчи аморф ва метамикт қатламлар улушининг ортиши билан боғлиқ. Нурлантириш жараёнида ўлчамлари 1.5–1.8 нм бўлган  $L_1$  мезоструктуравий фрагментларнинг нисбий турғунлиги, афтидан,  $\text{SiO}_4$  тетраэдрларни худди  $\alpha$ -кварцнинг кристалл структурасидагидек олтиёқлиларга жойлаштириладиган шиша ячейкасининг энергетик жиҳатдан қулай гексагонал симметрияси билан боғлиқдир. Кириш қисмида таъкидланганидек, комбинацион сочилиш спектрлари ёрдамида аниқланган ўртача тартибнинг характерли ўлчами КИ маркали шишани тез нейтронлар билан нурлантиришда қийматининг 1/3 га камаяди. Бу кузатиш юқорида 7-расмда келтирилган РСА натижалари билан сифат жиҳатидан мос келади, нанофрагментлар ўлчамларининг камайишидаги миқдорий тафовутни шишанинг турли маркаларига, кристаллик даражасига боғлаш мумкин.

Алоҳида таъкидлаш керакки, 100 соатлик нурлантиришдан кейин (4-эгри чизик) диффуз полосалар устида бир нечта ингичка селектив чўққилар пайдо бўлди. Таҳлиллар 2 та  $a$  рефлeksi кристобалитнинг паст ҳароратли фазасига тегишли, нанокристалларнинг (1) формула билан аниқланган ўртача ўлчамлари  $16 \pm 1.5$  нм ни ташкил этишини,  $b$  рефлекс эса ўлчамлари  $8 \pm 0.5$  нм бўлган гексагонал тридимитнинг кристалл фазасига тегишли эканлигини кўрсатади. Агар шундай бўлса, юқорида таъкидланган аморф ва метамикт қатламлар бу нанокристалларнинг нуқсонли қобиғини ташкил қилади. Маълумки, бу нанокристаллчалар силжиш термопикларида уларнинг совиши (релаксацияси) жараёнида ҳосил бўлади. Уларнинг концентрациялари  $>3$  МэВ энергияли тез нейтронлар флюенси билан аниқланади, ўлчамлари эса (термопиклар орасидаги масофани аниқловчи) оқимга, термопикдаги локал температуранинг ортишига ва уларнинг кристалланиш шароитларини таъминловчи аморф ва метамикт қобикнинг паст иссиқлик ўтказувчанлиги билан аниқланади. Албатта термопикнинг бутун ҳажми кристалланмайди, аммо унинг марказида электромагнит нурланишни сочувчи сийраклашиш ва ҳатто ғоваклик бўлиши керак. Агар ДРОН-3М спектрометрида мис катодли рентген трубкаси X-нурларининг кириш қатламидаги киринди фазанинг аниқланиш чегараси  $\sim 1\%$  ва шишада нанокристаллитлар  $5 \cdot 10^{19} \text{ см}^{-2}$  флюенсда, уларнинг ҳисобланган ҳажми  $\sim 4\%$  га етганида идентификация қилиниши мумкин эканлиги ҳисобга олинса, бунга мос келувчи силжиш термопикларининг  $\sim 10^{19} \text{ см}^{-3}$  флюенсдаги концентрациясида улар шиша ҳажмининг 10 % ини ташкил қилади. Таққослаш учун бундай флюенсда

нурлантирғанда  $\alpha$ -кварцда силжиш пиклари хиссаси ( $\beta$ -фаза зародишлари) 50 % га етади.

8-расмда ютилиш спектрларида ва рентгенограммаларда  $\alpha$ -кварц, кристобалит ва тридимит нанокристалларининг чўққилари пайдо бўладиган маълум бир танлаб олинган дозаларда нурлантирилгандан кейинги ФЛ ва уйғотиш спектрлари (ичкарига қўйилган расмда) кўрсатилган.



б) нурлантирилмаган (1), тўхтатилган реакторнинг гамма нурлари билан  $4 \cdot 10^8$  Р дозада нурлантирилган (2), тез нейтронларнинг  $1.5 \cdot 10^{18} \text{ см}^{-2}$  (3),  $1 \cdot 10^{19} \text{ см}^{-2}$  (4),  $5 \cdot 10^{19} \text{ см}^{-2}$  (5) флюенслари билан нурлантирилган намуналар. Ички қўйилган а) расмда ФЛ ни уйғотиш спектри келтирилган

### 8- расм. Тоза кварц шишасининг 270 нм да уйғотилган ФЛ спектри

2- эгри чизикдан кўринадики, реакторнинг ажратилган гамма-нурлари фақат изоляцияланган  $E'$  ва КБКА нуқсон жуфтлигини вужудга келтиради, КБКА люминесценцияси 630 нм полосада кузатилади ва 260 нм да уйғотилади.  $1.5 \cdot 10^{18} \text{ см}^{-2}$  флюенс билан нурлантирғандан кейин (3 эгри чизик) КБКА полосасидаги ФЛ 2 марта ортади, флюенсининг  $10^{19} \text{ см}^{-2}$  гача ортиши билан (4 эгри чизик) иккала ФЛ полосаси ортди, аммо максимум 620 нм гача силжийди. Бизнинг ҳолатимизда тез нейтронлар ҳам шиша ҳажмида наноўлчамли термопиклар ҳосил қилади, у ерда тридимит, кристобалит ( $\alpha$ -кварцга нисбатан юқорирак температурали фаза) нанокристаллитлари ҳосил бўлиши билан бирга рекристаллизация амалга ошади. Флюенс ошиши билан ФЛ максимумининг 630 дан 620 нм га силжиши, чамаси, кристобалит ва тридимит нанокристаллари сиртида КБКА марказларининг ортиши туфайли содир бўлади.

Шундай қилиб, шиша структурасининг узоқ давом этуви релаксацияси туфайли 310 нм (3.99 эВ) ли уйғонган ҳолат сатҳи нотурғун бўлиб, эҳтимол, нанокристаллитларни ажратиб турувчи нуқсонли қаватларда сувнинг радиолизи туфайли пайдо бўладиган Si-...Н- марказларининг пайдо бўлиши, сўнгра эса уларнинг йўқолиши билан боғлиқ бўлади.

2-жадвалда нанофрагментларнинг ҳисоблаб топилган ўлчамлари, уларнинг концентрациялари, шунингдек марказларнинг энергиялари ва концентрациялари, ФЛ полосаларининг интенсивликлари кўрсатилган.

## 2- жадвал

$L_1$  ва  $L_2$  конструктив нанофрагментларининг рентген-дифракцияси ўлчамлари, уларнинг интенсивлиги ( $I_1^2$ ) ва аморф наноайчалар ( $I_a^2$ ), N оптик марказлари  $E'_1$ ,  $E'_2$  (Si-Si),  $E_s$  ва  $O^0_1$  (NBOHC – HAK) концентрациялари, шунингдек  $I_{PL}$  (630 нм),  $I_{PL}$  (520 нм) ФЛ ларнинг интенсивликлари, нурланишнинг ҳар хил оқимларида (вақтларида) намуналарнинг M массасини ҳисобга олган ҳолда


Вақт, соат	0	1.25	2	3	4	5	6	7	20	50	100
Флюенс, $10^{18} \text{ см}^{-2}$	0	0.3	1	1.5	2	2.5	3	3.5	10	25	50
M, мг	320	310	310	270	310	210	350	170	160	120	90
$L_1$ , нм	1.7		1.5	1.6	1.7	1.9	1.6	1.7	1.6	1.8	1.7
$L_2$ , нм	1.25		0.8	0.9	0.9	0.8	0.7	0.8	0.9	–	–
$I_1^2$ о.е	225		213	240	207	190	279	260	276	383	441
$I_a^2$ о.е	46.2		38.4	51.8	42.2	68.1	47.6	90	125	125	196
$E$ , eV	$\lambda$ , нм	Оптик марказларнинг концентрацияси $N$ , $10^{17} \text{ см}^{-3}$									
$E'_1$ 5.89	210	–	–	–	–	–	–	–	–	–	0.66
$E'_1$ 5.75	215	–	0.55	0.55	0.55	0.55	0.55	0.54	0.54	0.52	0.38
$E'_1$ 5.62	220	0.51	–	–	–	–	–	–	–	–	–
$E'_2$ 5.38	230	0.96	0.74	–	–	–	–	–	–	–	–
$E'_2$ 5.26	235	–	–	0.44	–	–	–	–	–	–	–
$E'_2$ 5.15	240	–	–	–	0.55	–	–	–	–	–	–
$E'_2$ 5.05	245	0.8	1.01	1.22	0.84	–	–	–	–	–	0.46
$O^0_1$ 4.85	255	–	–	–	–	0.30	0.22	0.81	0.29	–	0.32
$O^0_1$ 4.76	260	0.84	1.20	1.00	1.14	–	1.38	–	–	0.22	–
$O^0_1$ 4.67	265	–	–	–	–	1.15	–	1.00	1.01	0.92	0.95
		ФЛ полосаси интенсивлиги, нисбий катталиқ									
$O^0_1$ 1.96	630	–	97	114	115	121	130	131	152	189	216
$E'_2$ 2.38	520	–	10.9	13.2	14.9	24.0	25.1	27.2	31.9	46.9	52.6

Жадвалдан кўриниб турибдики,  $E'_1$ -марказларнинг энергияси 5.75 эВ ва уларнинг концентрацияси  $\sim 0.55 \cdot 10^{17} \text{ см}^{-3}$  бўлиб, флюенсларнинг то  $2 \cdot 10^{19} \text{ см}^{-2}$  гача бўлган ўрганилган оралиғида жуда кам ўзгаради. Бу ҳолат уларнинг тўйинган зичлиги ва  $L_1$  ўлчамлари флюенс ортиши билан 1.5–1.8 нм оралиғида ўзгариб турадиган, концентрацияси эса ўзгармайдиган кварц нанофрагментлари сиртида жойлашганлигини тасдиқлайди. Аммо  $E'_2$  - марказлари фақат кичик флюенсларда, 0.7–0.8 нм ўлчамли  $L_2$  фрагментлар мавжудлигида, шу билан бирга уларнинг концентрацияси  $10^{17} \text{ см}^{-3}$  атрофида бўлганида самарали пайдо бўлади. Флюенс ортиб бориши билан уларнинг концентрацияси ва энергияси камаяди,  $2.5 \cdot 10^{18} \text{ см}^{-2}$  флюенсда эса улар йўқолади. Эҳтимол, радиолиз туфайли водород уларнинг ҳосил бўлишига

тўсқинлик қилади, ОН эса КБКА марказлари концентрациясининг  $10^{17}$  см<sup>-3</sup> гача тез ортишига ёрдам беради.

Диссертациянинг бешинчи боби "Радиацион таъсир остида шишаларда оғир металлларнинг наноструктураларининг ҳосил бўлиш механизмлари ва қўллаш имкониятлари" деб номланган. Тоза кварц шишасида оксидли нанозаррачалар ва плёнкали оксид қопламали текис интерфейсда оксидли нанозаррачаларни ҳосил бўлишига бағишланган IV бобдан фаркли ўларок, ушбу бобда таркибида 20% дан ортиқ оғир металлларнинг ВаО ва РвО оксидлари бўлган, таъқиқланган зонасининг кенглиги SiO<sub>2</sub> матричасига нисбатан кам бўлган, унда нуқсонларнинг электрон ютилишидан ташқари, наноўлчамли қўшимчаларда кучли сочилиш улуши бўлиши кутилаётган SiO<sub>2</sub> асосидаги икки компонентли шиша ҳажмидаги икки ўлчамли интерфейс наноструктуралари ўрганилади.

Нурлантирилмаган оғир SiO<sub>2</sub>-ВаО шишасининг диффракцион манзараси иккита диффуз ва тўртта селектив рефлекслар билан тавсифланади (9 расм, чап томондаги *a* спектр нурланмаган намунага тегишли).



Чапда: спектр *a* - нурланмаган: 1 - SiO<sub>2</sub>-кристалли кварц, 2 - ВаО<sub>2</sub> молекуляр кристалл; спектри *a*<sub>1</sub> - 210 Р/с да  $3.5 \cdot 10^5$  Гр дозаси билан нурланган; 1 - SiO<sub>2</sub> кристобалит; Ўнгда: *б* - 600 Р/с да  $4 \cdot 10^4$  Гр доза билан нурланган, 1 - SiO<sub>2</sub> -тридимит, 2- ВаО<sub>2</sub> молекуляр кристаллит; *б*<sub>1</sub>-  $10^6$  Гр дозаси билан нурланган, 1- SiO<sub>2</sub> -тридимит, 2- ВаSiO<sub>3</sub> перовскит

### 9-расм. <sup>60</sup>Со γ- нурланишдан олдин ва кейин барий шишасининг рентгенограммаси


Аморф фаза ноэластик сочилишнинг ўсишига олиб келади. Аралашмали селектив рефлекслар кварц кристалларига (1) ва ВаО<sub>2</sub> молекуляр кристалларига (2) таъллуқлидир. 9-расмнинг чап томонидаги *a*<sub>1</sub> спектрда  $3.5 \cdot 10^7$  Р дозада нурланган намунанинг рентгенограммаси кўрсатилган. Унда иккала диффуз қайтариш ўзгармаган, ВаО<sub>2</sub> молекуляр кристалларининг рефлекслари йўқолган (2), аммо кристаллитларининг ўлчамлари  $50.7 \pm 4.5$  нм бўлган SiO<sub>2</sub> нинг кристобалит фазасига тегишли деб ҳисобланадиган иккита селектив чўққи пайдо бўлган. Кучсиз кенг полоса, эҳтимол, ўлчамлари  $0.78 \pm 0.02$  нм бўлган ВаО ва ВаSiO<sub>3</sub> лар билан боғлиқ киришмали аморф фазалар билан боғлиқдир. Диффуз полоса устига тушувчи паст интенсивли селектив структуравий чизиқлар ўлчамлари  $14.5 \pm 1.3$  нм бўлган β-кварц SiO<sub>2</sub> нинг кристалл фазасига, ўлчамлари  $27.5 \pm 1.8$  нм бўлган ВаО<sub>2</sub> молекуляр

кристалларига тегишли бўлиб, улар бир-бирларига нисбатан ориентирлангандирлар. Гамма-квантлар энергияси Ва атомларида ютилади ва оксид парчланади. Бундай дозада (ва унга мос келувчи радиациявий нуқсонлар зичлигида) локаллашган электронлар концентрацияси баланд бўлади, шу сабаб матрицанинг иссиқлик ўтказувчанлиги сезиларли даражада камаяди, бу ҳол юқори температурали фазанинг кристалланиши учун етарли локал иссиқлик ажралиб чиқишини таъминлайди.

9-расмнинг ўнг томонида юқорироқ 600 Р/с доза қуввати билан нурлантирилган шишанинг рентгенограммаси кўрсатилган.  $4 \cdot 10^6$  Р дозадан кейин (б спектр) ВаО<sub>2</sub> молекуляр кристалларининг дастлабки селектив рефлексларининг сезиларли камайганлиги кузатилади, бу нарса уларнинг шиша матрицасида аморф ҳолат нанозаррачалар ҳолатига эриб кетганлигидан, шу туфайли ноэластик фоннинг ортишига олиб келганлигидан далолат беради. Бундан ташқари, 14.5 нм ли  $\beta$ -SiO<sub>2</sub> нинг ўлчамлари 40 нм атрофида бўлган каттароқ ўлчамли тридимит нанокристалларига радиация билан индуцирланган структура-фазавий ўтиши рўй беради. Доза  $10^8$  Р гача ошганида бу фазанинг қўшимча чўққисининг пайдо бўлиши унинг ўлчамларининг ~50 нм гача ортанлигини кўрсатади. Нанокөмпозит шишага ~1.25 МэВ энергияли гамма нурлар таъсирида аввал нано-қўшилмаларнинг эриши, ундан кейин бошқа кристалл структурали бошқа нанозаррачаларнинг ўсиши кузатилади. Атомлар томонидан гамма-квантлар энергиясининг ва эркин экситонларда электронлар ва ковакларнинг нурланишсиз емирилишида ажралиб чиқадиган энергиясининг ютилиши ҳисобига радиолиз механизми бўйича бундай қайта тузилиш содир бўлади.

Худди сувда, реакторнинг иссиқлик ажратувчи йиғилмасида (ТВС), тез нейтронлар билан нурлантиришда бўлгани каби, тоза кварц шишасини протонлар билан вакуумда нурлантиришда ҳам силжиш термөпиклари вужудга келиб, тридимит ва кристобалит нанокристаллари ҳосил бўлади. Бу натижа гамма-нурлантиришдан кейин кварц шишасида кварц, кристобалит, тридимит нанокристаллитлари, силикат шишаларида молекуляр ВаО<sub>2</sub> ва ВаSiO<sub>3</sub> перовскит кристаллитларининг пайдо бўлиш факти билан бирга реакторнинг актив зонасида тез нейтронлар бўлгани ҳолда гамма нурлар оқимининг алоҳида дозиметриясини амалга ошириш имконини берди.

Нурлантиришдан кейин дарҳол ёзиб олинган ютилиш спектрлари 10 а), б) расмларда кўрсатилган бўлиб, улар биринчи дозадаёқ вужудга келган, зичлиги доза билан ошиб борадиган жигарранг бўялишни тавсифлайди. Кўриниб турибдики, нурланишдан сўнг,  $1.8 \cdot 10^{13}$  см<sup>-2</sup> дозадан бошлаб, маълум  $E_1'$ - марказлар ( $\equiv \text{Si} \cdot$  - кўприк кислород вакансиясида қамралган электрон) билан боғлиқ ингичка интенсив резонанс пайдо бўлиб, у такрорий ўлчашларда ҳам кузатилади. Максимал  $1.8 \cdot 10^{15}$  см<sup>-2</sup> дозадан кейин ушбу резонанс, эҳтимол, яқин жойлашган  $E_1'$ - марказларнинг ўзаро таъсирлари туфайли, 230 нм томонга силжийди.




1-нурлантирилмаган; 4 МэВ ли электронлар билан 50 нА токда қуйидаги флюенсларда нурлантирилгандан кейин: 2 -  $1.8 \cdot 10^{13} \text{ см}^{-2}$ , 3 -  $6.6 \cdot 10^{13} \text{ см}^{-2}$ , 4 -  $1.6 \cdot 10^{14} \text{ см}^{-2}$ , 5 -  $3.5 \cdot 10^{14} \text{ см}^{-2}$ , 6 -  $8.3 \cdot 10^{14} \text{ см}^{-2}$ , 7 -  $1.8 \cdot 10^{15} \text{ см}^{-2}$

### 10-расм. Ишқорий силикат шишанинг ютилиш спектрлари


BaO–SiO<sub>2</sub> интерфейсларида локаллашган зарядлар билан боғлиқ ютилиш чегараси нурлантириш дозаси ошиб бориши билан, демакки, локаллашган ташувчилар концентрациясининг ортиши билан, 300 нм дан 500 нм гача силжийди. Булардан фойдаланган ҳолда ўлчамлари 15 дан 30 нм гача ўсувчи нанозаррачаларнинг ўлчамлари ва шишанинг чекланган сиқилувчанлиги аниқланди.

11-расм таркибида 24% PbO бўлган шиша намунасининг ўзгармас токдаги солиштирма ҳажмий қаршилигининг ҳароратга боғлиқлигини кўрсатади. 210–285 К ҳарорат оралиғи  $E=0.014$  эВ паст активлашиш энергиясига эга атермик электрон ўтказувчанликни тавсифлайди.  $\sim 10^7$  Р дозадан кейин қаршилик 2 марта камаяди. Энг юқори ўтказувчанлик (уч тартибга ортган) 300 К чўкки атрофида 285÷325 К ҳарорат оралиғида кузатилади ва нурлантирилгандан кейин у ортади. Юқори ҳароратли 325÷360 К соҳада ион ўтказувчанлиги устун бўлиб, унинг активлашув энергияси  $E=1.003$  эВ нурлантиришга боғлиқ эмас.

11- б) расмда таркибида 34.5% PbO бўлган боросиликат шиша намунасининг ўзгармас токка солиштирма ҳажмий қаршилигининг ҳароратга боғлиқлиги кўрсатилган. Бу ерда ҳам  $T_{max} \sim 216$  К да ўтказувчанликнинг энг юқори (квадрат) характеристикаси кузатилади. Таркибида 24% PbO бўлган шишага нисбатан энг юқори ўтказувчанлик чўққиси 100 градусга силжиган, бу ерда оғир металл оксидларидаги катта поляронларнинг икки ўлчамли транспорти кузатилади.



а)



б)

а) қуйидагилар 24% PbO: 1 - нурлантирилмаган ва  $^{60}\text{Co}$  гамма квант билан нурлантирилган; 2 -  $10^5$  P; 3 -  $1.3 \cdot 10^7$  P; б) 34.5% PbO: 1 - нурлантирилмаган, 2 - ўчирилган реактордаги гамма квантлар билан 3 соат давомида нурлантирилган; 3 - такрорий ўлчов; 4 - 20 соат давомида нурлантирилган; 5 - такрорий ўлчов

### 11-расм. Силикат шиша намунасининг ўзгармас ток солиштирма ҳажмий қаршилигининг ҳароратга боғлиқлиги

Энг юқори ўтказувчанлик режимида заряд ташувчиларнинг расмдаги эгри чизиқлар учун ҳисобланган активлашиш энергиялари таркибида 24% PbO бўлган шишадагига нисбатан анча паст бўлиб чиқди: 1-190÷245 К ( $E = 0.180$  эВ), 2-185÷250 К ( $E=0.186$  эВ), 3-185÷250 К ( $E=0.174$  эВ), 4 - 175÷255 К ( $E = 0.213$  эВ), 5-190÷250 К ( $E = 0.196$  эВ). Ўтказувчанликни дастлабки (2 ва 4) ва такрорий (3 ва 5) ўлчашлардаги эгри чизиқларни таққослаш ўтказгичнинг активлашиш энергиясининг пасайишини кўрсатади. Эҳтимол, бу ҳолат шиша ҳажмидаги чуқур қамраш марказлардаги ток ташувчиларни электр жиҳатидан қутбланган  $\text{SiO}_2\text{-PbO}$  интерфейсдаги саёзроқ қамраш марказларига, масалан, автолокаллашган  $\text{O}_2^{3-}$  ковакларга ташлаш ҳисобига амалга ошади.

**Радиациявий нуқсонлар ҳосил бўлишининг уч механизми маълум:** радиолиз - анионларнинг чиқиб кетиши билан борадиган кимёвий боғланишларнинг узилиши, кристалл панжарадаги атомларнинг эластик ва ноэластик силжишлари. Нанозаррачалар ҳосил бўлишига энг яқини – нейтронлар, протонлар, альфа заррачалар таъсирида силжиш термопикларининг пайдо бўлишидир. Бунда кварц холида структуравий анализ ва юқори ажратиш қобилиятли микроскопия усуллари билан тасдиқланган аморфлашуви вужудга келади. Аммо ишқорий галоид кристаллари учун аморфлашув тасдиқланган эмас, структуравий анализ ва микроскопия нанозаррачалар ҳосил бўлишини аниқлади. Биз LiF ва кварц шишаларини бир хил шароитларда нурлантириш билан тадқиқ қилдик ва аморф нанозарраларни эмас, кристалл структурага эга нанокристаллар мавжудлигини топдик.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида биз томонимиздан реал материалларда (айниқса уларнинг сиртида) радиациявий йўл билан кристалл структурага эга нанозаррачалар пайдо бўлишининг радиациявий нуқсонлар

ҳосил бўлиши ва сегрегацияси билан борадиган мураккаб, кўп босқичли механизми таклиф қилинди:

1) ноэластик ўзаро таъсир – нишон томонидан ядровий нурлар энергиясининг (1 МэВ дан ортиқ) тезлик билан ютилиши ва электрон уйғонишлар (электрон коваклар жуфтликлари, экситонлар ва ҳ.к.) пайдо бўлиши;

2) сиртдаги анионни йўқотиш билан борадиган катион-анион кимёвий боғининг радиолизи;

3) атомларнинг ноэластик ва эластик тўқнашувларида ва электрон уйғонишларнинг парчаланишида кристалл панжара нуқсонлари (вакансиялар ва тугунлар орасидаги атомлар, силжиш термопиклари, треклар) генерацияси;

4) ўлчамли нуқсонларда анион вакансияларнинг агрегатлари ва кластерлар/коллоидлари пайдо бўлиши билан борадиган нуқтавий нуқсонларнинг сегрегацияси;

5) эркин энергиянинг минималлашуви билан борадиган структурага эга ва матрица билан когерент интерфейс ҳосил қилувчи нанозаррачаларнинг ўз-ўзидан йиғилиши.

## ХУЛОСА

Физика-математика фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун “LiF кристалларида ва SiO<sub>2</sub> асосидаги шишаларда радиацион-индуцирланган нанотизимлар” мавзусидаги диссертациянинг асосий илмий хулосалари:

1. Тўхтатилган реактор сувида гамма-нурлантириш натижасида LiF нинг сирт ости қатламида ўзида ўлчамлари 28 нм бўлган LiOH киришма нанофазани сақлаган иккиланган (двойниковая) кристалл структура ҳосил бўлиб, унинг микрокаттиклиги LiF дан юқори бўлади.

2. Ҳавода γ-нурлантирилган LiF кристаллида сиртнинг радиолизи ва фторнинг йўқотилиши билан боғлиқ ҳолда нуқтавий радиацион нуқсонлар агрегатлари – анион вакансиялари ўрнида катта эҳтимол билан Мотт-Герни механизми бўйича (nLi 2.6 эВ ли сатҳ ҳосил қилади) ўлчамлари 5 нм лик литий металл нанозаррачаларининг ўз-ўзидан тўпланиши туфайли ҳосил бўлиши билан боғлиқ плазмон жавоби (отклик) топилди.

3. Юқори оптикавий зичликда (D=3–4) изоляцияланган F- ва M-марказлар ютилиш полосаларининг ингичка резонансларга бўлиниши топилди, улар гамма-нурлантирилган LiF кристалларида жуфтлашган F-F ҳамда M-M- марказлар орасидаги энг катта масофа 14 ва 22 нм бўлганида электрон-дипол ўзаро таъсир натижасида вужудга келади. 620 ва 960 нм даги кенг нотурғун полосалар ҳамда 380 нмдаги турғун полоса зарядланган F<sub>2</sub><sup>-</sup> марказлар билан эмас, балки ўтапанжараларга тартиблашган Li-нанозаррачаларнинг плазмон жавоби билан боғлиқдир.

4. Юқори дозали <sup>60</sup>Co >10<sup>8</sup> Р гамма-нурлари билан ва 3 мкА кучли токда 10<sup>17</sup>см<sup>-2</sup> флюенсга 4 МэВ лик электронлар билан нурлантирилган LiF

кристалли сиртида электрон микроскоп усули билан Li нанозаррачалари топилди, улар  $\gamma$ -нурлантирилган ҳолатида параллел микротолалар, электронлар оқимида эса алоҳида оролчалар ташкил этади.

5. 12–15 мкм сиртости қатламида радиациявий нуқсонлари (дислокациялари ва агрегат марказлари) бўлган LiF кристаллининг пластик деформациясини тавсифловчи фазовий заряднинг шакли билан боғлиқ оптик ютилиш, ИҚ-қайтариш ва микроқаттиқликнинг электрон дастаси йўналишига нисбатан анизотропияси аниқланди.

6. Кубик симметрияга эга бўлган LiF кристалларини гамма-нурлари билан изотроп нурлантириганда агрегат  $F_n$  марказларнинг чўзинчоқ шакли ҳисобига оптик ютилишнинг анизотропияси вужудга келиши кўрсатилди. Ми сочилиш назариясига кўра, максимуми доза ортиши билан 272 дан 295 нм гача силжийдиган резонанс ютилиш (110) текисликда жойлашган Li нанокolloидларига боғланади, уларнинг ўлчамлари доза ортиши билан 6.4 дан 7 нм гача ортади.

7. Тез нейтронларнинг  $10^{19}$  см<sup>-2</sup> дан ортиқ флюенси билан реактор иссиқлик ажратувчи йиғилмасида (ТВС), сувда ва энергияси 18 МэВ бўлган протонлар билан  $5 \cdot 10^{15}$  см<sup>-2</sup> флюенсгача вакуумда нурлантириш тоза кварц шишасида силжиш термопикларини вужудга келтиради. Уларда тридимит ва кристобалит нанокристаллитлари ўсади, улар маълум электрон ва ковак марказларга қўшимча, УБ-ютилишининг интенсив резонансларини келтириб чиқаради.

8. Ишқорий металллар, барий ва қурғошин оксид киришмалари киритилган силикат шишани ўртача энергияси  $\sim 1.25$  МэВ <sup>60</sup>Со гамма-квантлар ва 4–8.5 МэВ энергияли электронлар билан нурлантириш турғун бўялиш марказлари ҳосил бўлишига, ютилиш чегарасининг силжишига (Густав Ми назариясига кўра) олиб келади, булардан фойдаланган ҳолда ўлчамлари 15 дан 30 нм гача ўсувчи нанозаррачаларнинг ўлчамлари ва шишанинг чекланган сиқилувчанлиги аниқланди.

9. Барийли ва қурғошинли шишаларнинг уч турдаги электр ўтказувчанлик механизмлари топилди: паст ҳароратдаги атермик электрон механизми (210–285 К оралиғида 0.014 эВ активлашиш энергияси билан), юқори ҳароратли ион механизми (325–360 К оралиқда 1.003 эВ), PbO ва BaO наноқўшилмаларининг массавий миқдоридан боғлиқ бўлувчи, кремний оксиди – металл оксиди интерфейси орқали заряд ташувчиларнинг транспортини кучайтирувчи оралиқ, сакрашлар билан бўладиган механизм (260–350 К).

10. Реактор актив зонасидаги 20 та каналда нейтронлар ва гамма ташкил этувчилар оқимини алоҳида-алоҳида аниқлаш мақсадида комбинациялашган оптикавий ва активациявий дозиметрия амалга оширилди.

11. Ўртача энергияси 4 МэВ, интеграл оқими  $1.8 \cdot 10^{13}$  дан  $1.8 \cdot 10^{15}$  эл/см<sup>2</sup> гача бўлган электронлар билан нурлантирилган натрий-барийли шишада ҳосил бўладиган тўқ жигар рангли бўялиш, BaSiO<sub>2</sub> интерфейсдаги бўялиш марказлари флакон ва ампуладаги доривор препаратларни УБ ва кўринувчи

нурлар таъсирида содир бўладиган фотохимёвий реакциялардан химоя қилади.

12. Гамма нурланишда кристалл диэлектрикка металл нанозаррачаларининг тартиби қўшилмалари сифатида шаклланувчи LiF-Li нанокөмпозитлари замонавий оптоэлектрон қурилмаларда қўлланиш имкөниятига эга.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.02/30.12.2019.FM/T.33.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ ЯДЕРНОЙ ФИЗИКИ**  

---

**ИНСТИТУТ ЯДЕРНОЙ ФИЗИКИ**

**МУССАЕВА МАЛИКА АНВАРОВНА**

**РАДИАЦИОННО-ИНДУЦИРОВАННЫЕ НАНОСТРУКТУРЫ  
В КРИСТАЛЛАХ LiF И СТЕКЛАХ НА ОСНОВЕ SiO<sub>2</sub>**

**01.04.07 – Физика конденсированного состояния**

**АВТОРЕФЕРАТ**  
диссертации доктора физико-математических наук (DSc)

**Ташкент–2022**

Тема диссертации доктора наук (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2021.2.DSc/FM180.

Диссертация выполнена в Институте ядерной физики Академии наук Республики Узбекистан.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.inp.uz](http://www.inp.uz)) и на Информационно-образовательном портале «Ziyonet» ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

**Научный консультант:** **Ибрагимова Эльвира Меметовна,**  
доктор физико-математических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Мамадалимов Абдугофур Тешабоевич,**  
доктор физико-математических наук, профессор  
академик Академии наук Республики Узбекистан

**Нуритдинов Иззатилло,**  
доктор физико-математических наук, профессор

**Тошмухамедова Дилноза Артикбаевна,**  
доктор физико-математических наук, профессор

**Ведущая организация:** **Ферганский политехнический институт**

Защита диссертации состоится “\_\_\_” \_\_\_\_\_ 2022 г. в \_\_\_ часов на заседании Научного совета DSc.02/30.12.2019.FM/T.33.01 при Институте ядерной физики. (Адрес: 100124, г. Ташкент, пос. Улугбек, Институт ядерной физики; тел.: (+99871) 289–31–41, факс (+99871) 289–36–65, e-mail: [info@inp.uz](mailto:info@inp.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института ядерной физики (зарегистрирована за № \_\_\_\_\_). Адрес: 100124, г. Ташкент, пос. Улугбек, ИЯФ; тел.: (+99871) 289–31–19).

Автореферат диссертации разослан “\_\_\_” \_\_\_\_\_ 2022г.  
(реестр протокола рассылки № \_\_\_ от “\_\_\_” \_\_\_\_\_ 2022 г.)

**М.Ю. Ташметов**  
председатель Научного совета по  
присуждению ученых степеней,  
д.ф.-м.н., профессор

**О.Р. Гожибоев**  
ученый секретарь Научного совета по  
присуждению ученых степеней,  
PhD ф.м.н.

**С.В. Артёмов**  
Заместитель председателя научного семинара при  
Научном совете по присуждению ученых степеней,  
д.ф.-м.н., профессор



## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации (DSc))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В последнее время во всем мире большое внимание уделяется наноструктурным материалам с уникальными функциональными свойствами, такими как эффективный катализ, интенсивная люминесценция, высокая электропроводность и гигантский парамагнетизм. Они основаны на трех эффектах: высокое отношение поверхности к объему при количестве атомов в наночастице в пределах  $10^3$ – $10^6$ , внутренний и внешний квантово-размерные эффекты, а также сильные электродинамические взаимодействия в металлической наночастице (поверхностный плазмонный резонанс) и между ними в диэлектрической среде.

В мире актуальной проблемой нанофизики является выяснение механизмов образования и взаимодействия электропроводящих наночастиц разной формы в диэлектрических матрицах, а также процессов на интерфейсах нанометалл-диэлектрик. Создание устойчивых наноструктур имеет важное значение в области нанотехнологий.

В нашей республике развивается атомная и возобновляемая энергетика и разрабатываются технологии создания новых наноструктурных материалов для энергетики. Поэтому актуальны исследования наночастиц легких и тяжелых металлов в диэлектрических кристаллах и стеклах и по разработке нанокомпозитов на основе радиационных технологий при контроле фазового состава и характеристик, предназначенных для функционирования в радиационных полях. Направления этих фундаментальных исследований и разработок отражены в Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017–2021 годы<sup>1</sup>.

Данное диссертационное исследование служит выполнению задач, предусмотренных в Указах Президента Республики Узбекистан № УП-4512 от 1 марта 2013 года «О мерах по дальнейшему развитию альтернативных источников энергии», № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017–2021 гг.», Постановлении Президента Республики Узбекистан № ПП-2789 от 17 февраля 2017 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Академии наук, организации, управления и финансирования научно-исследовательской деятельности», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Диссертационная работа выполнена в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий в республике II. «Энергетика, энерго- и ресурсосбережение».

**Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации<sup>2</sup>.** Исследования по созданию новых оптических материалов многоцелевого

---

<sup>1</sup>Указ Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 07 февраля 2017 г. «Стратегию действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017–2021 годах».

назначения на базе щелочно-галоидных кристаллов, таких как LiF, проводятся ведущими мировыми научными центрами и высшими образовательными учреждениями, в том числе, Институтом физики и Тартуским университетом (Эстония), Государственным оптическим институтом, Томским политехническим университетом (Россия), Евразийским национальным университетом (Казахстан), Криворожским национальным университетом и Институтом монокристаллов (Украина), Политехническим университетом (Франция), Ок-Риджской Национальной Лабораторией (США), Университетом "Ла Сапиенца" (Италия).

Разработки по радиационно-стойким стеклам, радиационному окрашиванию стекол разных составов проводятся в Научно-исследовательском и технологическом институте оптического материаловедения, Государственном оптическом институте, Физико-техническом институте им. А.Ф. Иоффе, Институте химии силикатов, Московском государственном университете, Физическом институте РАН, Уральском государственном техническом университете (Россия), Институте физики твердого тела (Латвия), Институте физики НАН Беларуси (Минск), Университете Шизуока (Япония), Центре атомных исследований Бхабхи (Индия), Национальной лаборатории Oak Ridge (США), Исследовательском центре Фраскати (Италия), ядерных институтах (Германия), Институте физики твердого тела (Китай) и других учреждениях.

Систематически изучены физические характеристики коллоидных и наноразмерных частиц металлов в твердой, газовой и жидкой средах, они классифицированы в зависимости от геометрической формы и размерности структурных элементов. На примере модельных щелочно-галоидных кристаллов и силикатных стекол установлено, что структурные, оптические и электрические характеристики наночастиц отличаются от объемных характеристик из-за изменения энергетического спектра.

В настоящее время во многих странах мира ведутся широкомасштабные исследования по одному из приоритетных направлений ядерной энергетики - радиационному материаловедению для обеспечения функционирования ядерно-физических и энергетических установок, в том числе разрабатываются радиационно-стойкие и радиационно-чувствительные материалы, радиационные технологии модификации твердотельных наноматериалов, обеспечивающие надежное функционирование приборов и оборудования в полях ионизирующих излучений.

**Степень изученности проблемы.** Исследованиями структуры щелочно-галоидных ионных кристаллов LiF и оптических свойств кварцевого и силикатного стекла занимаются многие ученые ведущих научных центров мира, например, российские (И.П. Суздалев, В.В. Климов, А.И. Гусев, А.А., Воробьев, Е.В. Колонцова, Е.Ф. Мартынович, Е.А. Раджабов, В.М. Лисицын,

---

<sup>2</sup>Обзор зарубежной научной литературы по теме диссертации: <http://journals.ioffe.ru>; <https://elibrary.ru>; <https://www.springer.com>; <https://www.journals.elsevier.com>; <https://journals.jsap.jp>

<https://ur.booksc.eu>; <https://iopscience.iop.org>; <https://www.rsc.org>; <https://www.sciencedirect.com>; <https://www.tandfonline.com>; <https://www.semanticscholar.org> и на основе других источников.

Л.А. Лисицына, В.М. Рейтеров, Б.Д. Лобанов, А.Ф. Зацепин, Р.А. Андриевский, В.В. Варгин, Г.В. Бюргановская, Н.Ф. Орлов, В.С. Кортон, Г.О. Карапетян, А.В. Амосов, Г.Т. Петровский, С.М. Бреховских, В.П. Пух, В.А. Тюльнина, Л.М. Ланда), латвийские (К.К. Шварц, Е. Котомин, А.И. Попов, Ю.А. Экманис, А. Силинь), эстонские (Ч.Б. Лущик, А.Ч. Лущик), украинские (И.С. Радченко, Г.Г. Бондаренко), грузинские (Э.Л. Андрионикашвили, М.Г. Абрамишвили), белорусские (Ф.Ф. Комаров, О.Н. Билан, Н.Г. Черенда, Д.М. Юдин), немецкие (G. Mie, U. Kreibig, H. Gleiter, C. Trautmann), американские (F.W. Clinard, J.R. Hobbs, H. Gao, Fleischer, M.B., P. Wiks, D.L. Griscom, K. Strauda, D. Mackey), японские (K. Kubo, Y. Akashi, Y. Yoneda, N. Itoh, R. Yokota, A. Beshey, N. Sogi, M. Tashiro, S. Saki), французские (F. Beuneu), великобританские (T. Young, M. Stoneham), итальянские (G. Baldacchini, R.M. Montereali), казахстанские (А.Т. Акилбеков, А.К. Даулетбекова), узбекистанские (акад. С.В. Стародубцев, акад. Ш.А. Вахидов, акад. П.К. Хабибуллаев, акад. М.С. Юнусов, акад. У.Х. Расулев, акад. М.Х. Ашуров, акад. А.Т. Мамадалимов, Б. Каипов, Э.М. Гасанов, Э.М. Ибрагимова, Б.Л. Оксенгендлер, С. Джуманов, И. Нуритдинов, Ж.Д. Ибрагимов, И.Х. Абдукадырова, М.И. Муминов, С.С. Касымова, М.А. Касымджанов, Б.Е. Умирзаков, Н.Н. Тураева, Д.А. Ташмухамедова, Г. Абдурахманов, Б.Г. Атабаев) и другие специалисты.

В настоящее время достаточно подробно исследованы как экспериментально, так и теоретически кристаллы LiF в качестве оптического материала для ультрафиолетового диапазона. Установлено, что под действием ионизирующих излучений в LiF эффективно формируются различные стабильные центры окраски, обладающие высоким выходом люминесценции при комнатной температуре. Определены возможности использования LiF в качестве радиодозиметрического материала в лазерном приборостроении в качестве активной среды и материала для пассивных затворов, при создании высоконелинейных фоточувствительных сред и носителей информации на их основе, дифракционных решеток, активных волноводов и других оптических элементов. Доминирует концепция распада экситонов с образованием точечных и агрегатных дефектов. Экспериментальные оптические спектры после облучения приписываются электронным переходам, а рассеяние от металлических коллоидов описывается только теоретически. По этой же концепции определены механизмы образования и условия стабилизации в массивных стеклах и потери в волоконных световодах (квазиодномерных). Высокое практическое значение имеет получение свинцовых микро- и нанонитей в стеклянной матрице, обладающих в определенных условиях сверхпроводимостью.

В то же время остаются нерешенными некоторые проблемы. Созданная теория, описывающая металлические коллоиды и наночастицы в щелочно-галоидных кристаллах и в диэлектрических стеклах, еще не получила адекватного подтверждения в экспериментах по наведению центров окраски

облучениями. До сих пор заряженные агрегаты анионных вакансий и коллоиды металлов неоднозначно определены в оптических спектрах, облученных или аддитивно окрашенных щелочно-галоидных кристаллов. Свойства интерфейсов нанометалла в кристаллической или стеклянной диэлектрической матрице изучены недостаточно: не были проведены комплексные исследования взаимосвязи кристаллической структуры наночастиц и их морфологии (размеры и форма) и электронной структуры облученного нанокомпозита (оптические спектры и электропроводность), влияния параметров различных видов ионизирующих излучений на образование возможных нанофазных включений в кристаллической и стеклянной матрицах.

**Связь темы диссертации с планами научно-исследовательских работ научно-исследовательского учреждения, где выполнена диссертация.** Диссертационная работа выполнена в соответствии с планами научно-исследовательских работ Института ядерной физики АН РУз по темам: Ф-2.1.2 «Структура, электрофизические, магнитные и механические свойства многокомпонентных нестехиометричных материалов при терморadiационных воздействиях» (2003–2007); 4-04 «Индукцированные гамма-излучением реактора изменения структуры и оптических свойств кристаллов LiF, ZnSe» (2004–2005); 2-06 «Радиационно-индуцированное формирование наноструктур» (2006–2007); А5-049 «Разработка способов радиационной обработки драгоценных и полудрагоценных камней с целью усиления их цвета и повышения качества» (2006–2008); ФА-Ф2-Ф068 «Радиационная инженерия наноструктурных материалов» (2008–2011); ФА-Ф2-Ф120 «Электронные свойства и радиационная модификация низкоразмерных высокотемпературных сверхпроводников, полупроводниковых гетероструктур, металлов и их оксидов» (2012–2016); ОТ Ф2-26 «Механизмы формирования функциональных наноструктур в пучке электронов» (2017–2020);

**Целью исследования является** выяснение механизмов образования наночастиц и формирования наноструктур в модельной диэлектрической кристаллической и стеклянной матрице с ковалентной и ионной химической связью при воздействии ядерных излучений и пучков заряженных частиц.

**Задачи исследования:**

выяснение условий (тип частиц, энергия, поток, флюенс) эффективного создания наночастиц в щелочно-галоидных кристаллах и стеклянной матрице при длительном облучении в воздушной среде гамма-квантами  $^{60}\text{Co}$  и смешанным потоком нейтронов и гамма-лучей реактора ВВР-СМ, а также пучками ускоренных протонов в вакууме и электронов на воздухе;

